

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

1-2-сон
(1177-1178)
2025 йил
январь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 январдаги ПФ–1-сон Фармони

Учинчи бўлим

2. «Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 январдаги 1-сон қарори
3. «Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 январдаги 2-сон қарори

4. «Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 январдаги 10-сон қарори

Бешинчи бўлим

5. О'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 2-dekabrda 197-son "Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 3-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2773-10*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжат-
ларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябрдаги «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–427-сон қарорига ҳамда 2023 йил 21 декабрдаги «Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–208-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга қўмаклашиш жамғармасига 2025-2026 йилларда ажратилиши назарда тутилган маблағнинг бир қисмини 2023 йил ёз мавсумида дам олган болаларнинг йўлланма харажатларини ҳамда 2024 йил ёз мавсумига 59 та оромгоҳни тайёрлаш мақсадида олиб борилган таъмирлаш ишлари бўйича вужудга келган қарздорликни қоплаш учун йўналтиришга рухсат бериш;

Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг бўйсунуви Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказилганлиги муносабати билан қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 январь,
ПФ–1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 11 январдаги
ПФ–1-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ–5439-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандидаги «ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлари» сўзлари «вазирлари ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ–5938-сон Фармонининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги ПФ–6255-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегиясининг 2-боби 3-параграфи «г» кичик бандидаги «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари «Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–81-сон Фармонининг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 апрелдаги ПФ–49-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркибининг 12-бандидан «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–210-сон Фармони билан тасдиқланган Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича Миллий комиссия таркибининг 19-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

19. Лавозимига — Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
кўра раисининг ўринбосари

».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майдаги ПҚ–2993-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамла-

катлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари «Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПҚ–4235-сон қарори 4-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими» сўзлари «туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–4342-сон қарори 8-бандининг «б» кичик бандидаги «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига» сўзлари «Оила ва хотин-қизлар қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги ПҚ–4513-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошисидаги «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари «Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5020-сон қарорида:

5-банднинг «г» кичик банди чиқариб ташлансин;

14-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари «Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5116-сон қарорида:

10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига» сўзлари «Оила ва хотин-қизлар қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 7, 11 ва 16-позициялари «Масъул ижрочилар» устунисидаги «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари «Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 майдаги «Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладиган болалар қамровини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–199-сон қарорининг 6-банди қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган маблағларни 2023 йил ёз мавсумида дам олган болаларнинг йўлланма харажатлари учун тегишли йилда амалда бўлган тартиб асосида компенсация тўлаш ҳамда 2024 йилда Федерация тизимидаги оромгоҳларни ёз мавсумига тайёрлаш

мақсадида олиб борилган таъмирлаш ишлари бўйича вужудга келган қарздорликни қоплаш учун йўналтиришга рухсат этилади».

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги «Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–162-сон қарорига 4а-иловада:

а) 15-позициянинг «Ахборот тизими номи» устунидаги «Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланма олиш ахборот тизими» сўзларидан кейин «*» белгиси билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

*«*Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланма олиш ахборот тизими «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими билан интеграция қилинади.*

Бунда йўлланма харид қилиш жараёнида Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланма олиш ахборот тизимига болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг маълумотлари (ЖШШИР ёки гувоҳнома серияси ва рақами) киритилганда ушбу боланинг тўлиқ исм-шарифи, жинси, туғилган санаси, ойи ва йили ҳақидаги маълумотлар автоматик равишда шаклланади».

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2 Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришнинг замонавий усуллари жорий этиш орқали болаларга таълим ва тарбия бериш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) тизимидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларини босқичма-босқич аутсорсинг усулида овқатлантириш тизимига ўтказиш;

«Ягона мавсумий таомнома»ни жорий этиш ҳамда озиқ-овқат харажатларининг (натура кўринишида) ҳисобини «Болалар боғчаси» мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида яратилган модуллар орқали юритиш;

давлат мактабгача таълим ташкилотларида (кейинги ўринларда — давлат МТТлари) тарбияланувчиларни «Ягона мавсумий таомнома» асосида республика ҳудудлари кесимида бир тарбияланувчи учун кунлик овқатлантириш харажати белгилаш орқали овқатлантириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Вазирлик ҳузурида давлат муассасаси шаклида Таълим соҳасида овқатлантиришни ташкил этиш ва назорат қилиш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

давлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишни мувофиқлаштириш;

овқатлантиришни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларни босқичма-босқич рақамлаштириш;

аутсорсинг асосида соғлом овқатлантиришни ташкил этишда давлат харидларини амалга ошириш;

мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 январда эълон қилинган.

аутсорсер томонидан тайёрлаб берилаётган таомларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигини ҳамда инвестиция мажбуриятларига риоя этилишини мониторинг қилиш.

3. Белгилансинки:

а) Марказнинг чекланган бошқарув штат бирликлари сони 36 тани ташкил қилади ҳамда Вазирлик тизимининг умумий штат бирликлари доирасида шакллантирилади;

б) Марказ ходимларига Вазирлик ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

Бунда:

Марказ директорининг лавозим маоши Вазирлик департаменти директори лавозим маошига, директор ўринбосарининг лавозим маоши Вазирлик бошқарма бошлиғи лавозим маошига, таркибий бўлинмалар бошлиқларининг лавозим маоши Вазирлик бўлим бошлиғи лавозим маошига, бошқа мутахассис ходимларнинг лавозим маоши Вазирликнинг тегишли даражадаги мутахассислари лавозим маошига тенглаштирилади;

Марказга маҳаллий ва хорижий мутахассисларни тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб этишга рухсат берилади;

в) Марказга давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловининг 1 фоизи йўналтирилади ҳамда ушбу маблағлар соғлом овқатлантириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш, ходимларни рағбатлантириш, малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳамда давлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари учун ошхона жиҳозларини харид қилишга сарфланади;

Вазирлик икки ҳафта муддатда Марказ тўғрисидаги низомни тасдиқлаб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.

4. Давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда махсус ахборот портали орқали давлат харидлари электрон тизимларида:

Марказ томонидан туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари номидан давлат харидлари жараёнини амалга ошириш учун давлат харидлари электрон тизимларида режа-жадвалларни жойлаштириш, харид ҳужжатларини электрон шаклда ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ҳамда эълон жойлаштириш;

Марказ томонидан ўтказилган давлат харидлари жараёнлари яқунларига кўра туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ва ғолиб бўлган аутсорсерлар билан имзоланган электрон шартномаларни туман (шаҳар) ғазначилик хизмати бўлимларида рўйхатдан ўтказиш;

Марказ томонидан овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан давлат харидлари жараёнини амалга ошириш учун туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларига келгуси давр учун аутсорсерларни белгилашда маблағлар бюджетдан режалаштирилмаган тақдирда, мазкур харидлар бўйича эълонларни жойлаштириш имкониятларини яратсин.

6. Давлат МТТлари тарбияланувчиларнинг соғлом, хавфсиз ва сифатли овқатланишини таъминлаш мақсадида:

а) 2025 йил 1 июлга қадар Вазирлик ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланадиган «Ягона мавсумий таомнома» жорий этилади.

Бунда давлат МТТларида «Ягона мавсумий таомнома» асосида озиқ-овқат харажатларининг (натура кўринишида) ҳисоби «Болалар боғчаси» ахборот тизимида яратилган модуллар орқали юритилади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимиغا Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали автоматик тарзда юборилади;

б) давлат МТТларида «Ягона мавсумий таомнома» асосида бир тарбияланувчи учун кунлик овқатлантириш харажати ҳудудлар кесимида қўйидаги тартибда белгиланади:

республика ҳудудлари бўйича тегишли озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача бозор нархлари (қўшилган қиймат солиғи билан) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Вазирликка ҳар йили 1 сентябрга қадар тақдим этилади;

озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача бозор нархлари ҳамда «Ягона мавсумий таомнома»да кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрларидан келиб чиқиб, Вазирлик томонидан ҳар бир ҳудуд бўйича бир тарбияланувчи учун кунлик овқатлантириш нархи шакллантирилади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланади;

келгуси молия йили учун озиқ-овқат харажатлари учун маблағларни режалаштиришда, бир тарбияланувчи учун тасдиқланган кунлик овқатлантириш нархига истеъмол нархлари индекси коэффиценти қўлланилади.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) барча давлат МТТлари овқатлантиришни ташкил этиш усулидан қатъи назар, бир тарбияланувчи учун кунлик овқатлантириш нархига мажбурий тартибда риоя қилади.

Бунда молия йили давомида озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари алоҳида ҳолатларда ошганда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг нархлар ошганлигининг аниқ сабаблари кўрсатилган таклифларига кўра давлат МТТларининг бир нафар тарбияланувчисини бир кунда соғлом овқатлантириш нархи Вазирлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқиши мумкин;

б) аутсорсер томонидан кўрсатилаётган хизмат бўйича таклиф ва шикоятлар жамоатчилик назорати ҳамда ота-оналар томонидан Марказнинг «QR-Feedback» ахборот тизими орқали киритиб борилади.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтабгача таълим тизимини рақамлаштириш ва мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 18 декабрдаги 848-сон қарорининг 3-банди тўртинчи хатбошисидаги «2 фоиз» сўзлари «1 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлик:

а) 2025 йил 1 мартга қадар бюджет харажатларини режалаштириш учун 2025 молия йилида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ташкил этиладиган давлат мактабгача таълим ташкилотлари сонини ҳудудлар кесимида белгиласин;

б) 2025 йил 1 июлга қадар соғлом овқатлантириш ташкил этиладиган давлат мактабгача таълим ташкилотларида тадбиркорлик субъектлари билан белгиланган тартибда шартномалар тузилишини ва аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш йўлга қўйилишини таъминласин.

Бунда республика ҳудудлари бўйича тегишли озиқ-овқат маҳсулотларининг 2025 йил учун ўртача бозор нархлари (қўшилган қиймат солиғи билан) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Вазирликка 2025 йил 1 апрелга қадар тақдим этилади;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Белгилансинки, мазкур қарор ижроси учун талаб этиладиган маблағлар Давлат бюджети параметрларида назарда тутиб борилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 6 январь,
1-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 6 январдаги 1-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида
соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) тизимидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Давлат мактабгача таълим ташкилотларида (кейинги ўринларда — давлат МТТлари) аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш белгиланган тартибда тасдиқланган «Ягона мавсумий таомнома», санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ шарт-шароитлар яратилган ҳолда ташкил этилади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аутсорсер — харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб деб топилган аутсорсинг хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти;

аутсорсинг — Вазирлик тизимидаги давлат МТТларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш хизматларини аутсорсерга ўтказиш;

давлат буюртмачиси — туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими;

иштирокчи — давлат МТТларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш хизматларини кўрсатиш истагини билдириб, харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини амалга ошириш учун талабгор сифатида иштирок этувчи тадбиркорлик субъекти;

Мониторинг гуруҳи — аутсорсер томонидан тайёрлаб берилётган таомларнинг «Ягона мавсумий таомнома»га, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги ҳамда киритилган инвестиция мажбуриятларига риоя этилишини ўрганиб чиқувчи гуруҳ;

овқатлантиришнинг анъанавий усули — давлат МТТларига ошхона учун зарур штат бирликлари ажратилган ва озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотчилар томонидан етказиб бериладиган ҳолда тарбияланувчиларни овқатлантириш жараёни;

устама ҳақ — аутсорсернинг даромадини ва барча харажатларни (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, транспорт хизматлари ҳамда асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш каби) ўз ичига оладиган ҳар бир мавсум учун белгиланадиган бир нафар тарбияланувчини бир кунда соғлом овқатлантириш нархига нисбатан 30 (ўттиз) фоиздан ошмайдиган устама ҳақ миқдори;

«Ягона мавсумий таомнома» (баҳор, ёз, куз, қиш мавсумлари учун) — давлат МТТларида тарбияланувчиларни санитария қоидалари, нор-

малари ва гигиена нормативларига мувофиқ тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарни ўз ичига олган ҳамда тўрт фасл учун республика миқёсида қўлланиладиган Вазирлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланадиган таомномалар тўплами.

4. Ушбу Низом талаблари давлат МТТларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатувчи Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

5. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади.

2-боб. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг мақсади ва асосий вазифалари

6. Давлат МТТларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

тарбияланувчиларни тўлақонли соғлом овқатлантириш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишни таъминлаш;

сифатли таомлар тайёрлаш орқали тарбияланувчиларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш;

таомларни истеъмол қилиш учун гигиеник талабларга мувофиқ шароитлар яратиш;

тарбияланувчиларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда тасдиқланган «Ягона мавсумий таомнома» асосида соғлом овқатлантириш.

7. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

тарбияланувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда, уларнинг рационал овқатланишини таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тарбияланувчиларнинг соғлом ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган зарур моддалар билан таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ҳамда сифатини кафолатлаш;

тарбияланувчилар орасида овқатланиш билан боғлиқ юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

тарбияланувчилар ўртасида тўғри овқатланиш кўникмаларини шакллантириш;

таомларни тайёрлашда ва озиқ-овқат хом ашёсини сақлашда, ташишда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя қилиш;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Болалар боғчаси» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — ахборот тизими) давомати қайд этилган тарбияланувчилар сонидан келиб чиқиб тегишли иш куни учун «Ягона мавсумий таомнома» асосида овқатлантиришни ташкил этиш.

3-боб. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ташкил этиладиган давлат МТТларининг рўйхатини шакллантириш

8. Давлат буюртмачилари аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ташкил этиладиган давлат МТТлари рўйхатини шакллантириб, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармаларига (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) ҳар йили 10 июнга қадар тақдим қилади.

Бунда ушбу рўйхатда ҳар бир давлат МТТларининг қуввати, тарбияланувчилар сони, ошхонасининг ҳолати (таъмирталаблиги, санитария-гигиена ва жиҳозларининг ҳолати, бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

9. Ҳудудий бошқармалар давлат буюртмачилари томонидан тақдим этилган аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ташкил этиладиган давлат МТТлари рўйхатини ўрганиб чиққан ҳолда умумлаштириб, ҳар йили 20 июнга қадар Вазирликка тақдим этади.

10. Вазирлик ҳудудий бошқармалар томонидан тақдим этилган давлат МТТлари рўйхати асосида келгуси молия йилида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ташкил этиладиган давлат МТТлари сонини ҳудудлар кесимида ҳар йили 15 июлга қадар белгилайди ва келгуси молия йилида зарур маблағларни режалаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

11. Вазирлик аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ташкил этиладиган давлат МТТларининг белгиланган сони, рўйхати ва тегишли маълумотларни ҳар йили 5 августга қадар Вазирлик ҳузуридаги «Таълим соҳасида овқатлантиришни ташкил этиш ва назорат қилиш маркази» давлат муассасасига (кейинги ўринларда — Марказ) тақдим этади.

4-боб. «Ягона мавсумий таомнома»ни ишлаб чиқиш ва нархларни шакллантириш

12. «Ягона мавсумий таомнома» тарбияланувчиларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибдаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарни ўз ичига олган ҳолда, тўрт фасл учун республика миқёсида қўлланилади.

«Ягона мавсумий таомнома» Вазирлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик ош-позналик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан ҳар йили 1 июлга қадар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили 20 августга қадар «Ягона мавсумий

таомнома»да кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳар бири бўйича жорий йил тўрт мавсум учун ўртача ҳақиқий бозор нархларини (қўшилган қиймат солиғи билан) Вазирликка тасдиқланган ҳолда тақдим этади.

14. Вазирлик «Ягона мавсумий таомнома»да кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотларининг меъёрлари ва тақдим этилган нархлари (қўшилган қиймат солиғи билан) асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунда соғлом овқатлантириш нархини ҳар бир мавсум бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритади.

Бунда «Ягона мавсумий таомнома»да кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотларининг меъёрлари ва тақдим этилган нархлари асосида ҳар бир мавсум учун белгиланадиган бир нафар тарбияланувчини бир кунда соғлом овқатлантириш нархларини белгилашда, тегишли мавсум учун тузилган ҳар бир «Ягона мавсумий таомнома»нинг ўртача нархлари олинади.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Вазирлик томонидан киритилган бир нафар тарбияланувчини бир кунда соғлом овқатлантириш нархини келгуси молия йили учун истеъмол нархлари индексининг энг юқори коэффицентидан кам бўлмаган миқдорга оширган ҳолда, келгуси молия йили учун нархни белгилайди.

16. Молия йили давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари алоҳида ҳолатларда ошганда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг нархлар ошганлигининг аниқ сабаблари кўрсатилган таклифларига кўра давлат МТТларининг бир нафар тарбияланувчисининг бир кунда соғлом овқатлантириш нархи Вазирлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

5-боб. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш учун давлат харидларини амалга ошириш

17. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш учун давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомиллар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида» 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори ва ушбу Низом талаблари асосида ташкил этилади ва амалга оширилади.

18. Марказ аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш учун танловни (тендерни) ташкил этиш учун Харид комиссияси таркибини тасдиқлайди.

19. Келгуси молия йили учун давлат МТТларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича харид жараёнлари жорий молия йилининг 25 декабрига қадар амалга оширилади.

Бунда, заруратга кўра, жорий йил учун давлат МТТларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича харид жараёнлари жорий молия йили давомида ҳам амалга оширилиши мумкин.

20. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича харид ҳужжатлари, шу жумладан, баҳолаш мезонлари ҳамда давлат харидлари билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар Марказ томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Бунда аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича давлат харидлари бир ёки бир нечта давлат буюртмачилари (туман, шаҳар), шунингдек, бир ёки бир нечта давлат МТТлари кесимида амалга оширилиши мумкин.

21. Иштирокчининг соғлом овқатлантиришни ташкил этиш учун хизмат кўрсатиш устама ҳақи миқдори бўйича таклифи давлат хариди нархи сифатида қабул қилинади ҳамда унинг миқдори 30 (ўттиз) фоиздан кўп ва 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлишига йўл қўйилмайди.

22. Иштирокчига нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади:

умумий овқатланиш хизматини кўрсатиш бўйича камида икки йиллик тажрибага эга бўлиш;

танловда (тендерда) иштирок этиш учун ариза берилган кундан камида бир ой олдин тегишли ташкилотлардан солиқ қарздорлиги, тўловлар, бошқа мажбурий тўловлар ва молиявий санкцияларнинг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган бўлиши;

танловда (тендерда) иштирок этиш учун техник топшириқ ва танлов (тендер) ҳужжатлари талабларига мослиги;

соғлом овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида икки йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларга (муҳандис-технолог, диетолог, ошпазлар) эга бўлиши.

23. Харид комиссияси томонидан харид қилиш тартиб-таомили натижаларига кўра ғолиб сифатида белгиланган иштирокчи билан давлат буюртмачиси ўртасида кейинги молия йили учун электрон шартнома имзоланади.

Бунда молия йилидан кейинги йилга ўтувчи шартномаларда шартнома муддати 12 (ўн икки) ой этиб белгиланади.

24. Харид комиссияси қарори билан харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ аутсорсернинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

25. Давлат харидларини амалга ошириш жараёни якунланмаган ёки танлов (тендер) ўтказилмаган деб ҳисобланган тақдирда, шунингдек, аутсорсер билан шартнома бекор қилинганда, ушбу давлат МТТларида аутсорсер аниқлангунга қадар белгиланган тартибда овқатлантириш анъанавий усулида ташкил этилиши мумкин.

Бунда ошхона ходимлари билан меҳнат қонунчилигига мувофиқ муддатли (аутсорсер аниқлангунга қадар) меҳнат шартномаси тузилади.

6-боб. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш

26. Соғлом овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этиладиган дав-

лат МТТларининг аутсорсер билан тузиладиган шартнома умумий миқдори (12 ойга) қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Шм} = \text{РТ} * (\text{Ос}(\text{қиш}) * \text{Нм}(\text{қиш}) + \text{Ос}(\text{баҳор}) * \text{Нм}(\text{баҳор}) + \text{Ос}(\text{ёз}) * \text{Нм}(\text{ёз}) + \text{Ос}(\text{куз}) * \text{Нм}(\text{куз})) * \text{Ум} * 5 * 4,2$$

Шм — соғлом овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этиладиган давлат МТТнинг аутсорсер билан тузиладиган шартнома умумий миқдори;

РТ — соғлом овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этиладиган давлат МТТларининг рўйхатдаги тарбияланувчилар сони;

Ос — тегишли мавсум бўйича (қиш, баҳор, ёз, куз) ойлар сони;

Нм — тегишли мавсум бўйича (қиш, баҳор, ёз, куз) бир нафар тарбияланувчини бир кунда соғлом овқатлантириш нархи;

Ум — аутсорсер учун белгиланган устама ҳақ миқдори, коэффициент ҳисобида олинади (мисол учун, устама ҳақ миқдори 30 фоизни ташкил қилса, формулада 1,30 коэффициент этиб қўлланилади).

Бунда молия йилидан кейинги йилга ўтувчи шартномаларда тегишли йилнинг кўрсаткичлари инобатга олинган ҳолда, келгуси йил учун қўшимча келишув тузилади.

Шартноманинг умумий суммаси давлат МТТларининг жорий ва келгуси молия йили учун шакллантириладиган бюджет ва бюджетдан ташқари (ота-оналар тўловлари ҳисобидан шакллантириладиган) маблағлари бўйича харажатлар сметасида тўлиқ режалаштирилади.

Шартномада кўрсатилган маълумотлар шартнома белгиланган тартибда имзоланган кундан кейинги 3 (уч) иш куни ичида давлат буюртмачисининг марказлашган молия-бухгалтерия хизмати томонидан ахборот тизимига киритилади.

27. Давлат МТТларида йилнинг мавсумидан келиб чиқиб, «Ягона мавсумий таомнома»да кўрсатилган таомлар танланади. Бунда:

а) аутсорсер томонидан «Ягона мавсумий таомнома»да кўрсатилган кунлик таомлар камида икки иш кунидан олдин ахборот тизими орқали танланади;

б) тегишли иш кунида:

нонушта тайёрлаш учун тарбияланувчилар сони ахборот тизими рўйхатида бир кун олдинги белгиланган тарбияланувчилар сони доирасида аутсорсер томонидан режалаштирилади;

соат 07.00 дан 09.00 га қадар ахборот тизимида қайд этилган тарбияланувчиларнинг давоматидан келиб чиқиб, давлат МТТларида тушлик ва иккинчи тушлик ташкил этилади;

в) аутсорсер томонидан тегишли иш кунида давлат МТТлари тарбияланувчилари учун «Ягона мавсумий таомнома» асосида ахборот тизими орқали тайёрланадиган таомлар белгиланмаган тақдирда, ахборот тизими томонидан навбатдаги кунлик таомлар автоматик равишда танланади ва аутсорсер томонидан ушбу таомлар тайёрланиши мажбурий ҳисобланади;

г) давлат МТТлари директори аутсорсер томонидан «Ягона мавсумий таомнома» асосида танланган кунлик таомлар тўғрисидаги маълумотни ахо-

рот тизими орқали назорат қилади ва бу ҳақидаги маълумотларни Бракераж комиссиясига тақдим этади.

28. «Ягона мавсумий таомнома»да тайёр таомлар вазни, нархи, сарфланган маҳсулотлар тури ва уларнинг миқдорлари кўрсатилади.

29. Аутсорсер томонидан олиб келинаётган барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда тайёрлаб берилаётган тайёр таомлар сифати, вазни, таркибининг «Ягона мавсумий таомнома»га мувофиқлиги давлат МТТлари ходимлари ҳамда тарбияланувчиларнинг ота-оналаридан ташкил топган давлат МТТларининг Бракераж комиссияси томонидан назорат қилинади.

Давлат МТТлари директорининг Бракераж комиссиясини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йил учун алоҳида қабул қилинади.

Давлат МТТлари тиббиёт ходими Бракераж комиссиясининг раиси бўлиб, унинг таркибига тарбиячи, ошпаз, давлат МТТлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар вакиллари аъзо сифатида киритилади.

30. Бракераж комиссияси ҳар иш куни аутсорсер томонидан етказиб берилган тайёр таомлар сифатини ўрганиб чиқади ҳамда назорат яқунлари бўйича маълумотларни ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклда юритиладиган «Тайёр таомлар сифатини назорат қилиш бўйича бракераж дафтари»да ҳар куни қайд этиб боради.

31. Бракераж дафтари озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, таъми, кунлик синама олинганлиги, овқатни тарқатишга рухсат берилганлиги ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда тўлдирилиб, ҳар куни давлат МТТлари тиббиёт ходимининг имзоси билан тасдиқланади.

32. Бракераж комиссияси аъзолари томонидан бракераж дафтари юришилишининг доимий мониторинги олиб борилади. Бракераж дафтарининг биринчи саҳифасида Бракераж комиссиясини тасдиқлаш ҳақидаги буйруқдан кўчирма бўлиши, дафтар рақамланган, ип ўтказиб тикилган, давлат МТТлари директори томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт.

33. Аутсорсер томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига амал қилиш ҳолатини ўрганиш ҳамда кунлик синамалар олиш давлат МТТлари тиббиёт ходими зиммасига юкланади.

Давлат МТТларида тарбияланувчиларнинг хавфсиз овқатланишини таъминлаш мақсадида ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклдаги давлат МТТларига келтирилган хом озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ҳақидаги маълумотлар ва 4-иловага* мувофиқ шаклдаги тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш дафтари ахборот тизимида давлат МТТлари тиббиёт ходими томонидан юритилади.

34. Тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш умумий типда ёки гуруҳ хоналарида ташкил этилганда, тайёр таомлар «Ягона мавсумий таомнома»да белгиланган миқдорларда ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос равишда бўлишини таъминлашга давлат МТТлари директори масъул ҳисобланади.

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

35. Жамоатчилик назорати ва ота-оналар томонидан аутсорсернинг кўрсатилаётган хизмати юзасидан таклиф ва шикоятлар «QR-Feedback» ахборот тизимига киритиб борилиши мумкин.

36. Аутсорсер томонидан шартнома умумий суммасининг камида 3 (уч) фоиздан кам бўлмаган миқдорда у хизмат кўрсатаётган давлат МТТларига инвестиция киритилиши зарур.

Бунда инвестиция шартнома тузилган санадан бошлаб 6 (олти) ой муддат ичида тўлиқ ҳажмда киритилиши лозим.

Инвестиция маблағлари давлат МТТларининг, биринчи навбатда, давлат МТТлари ошхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таъмирлаш ва бошқа ишларига, кейинчалик давлат МТТларининг бошқа зарур муаммоларини ҳал қилиш учун сарфланади ҳамда ушбу товар-моддий бойликлар белгиланган тартибда давлат МТТлари балансига кирим қилинади.

37. Аутсорсерга давлат МТТларининг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун «ноль» ставкада тўлов белгиланади.

38. Ошхона ва ошхона жиҳозларини таъмирлаш, ўз ходимлари иш ҳақи, уларнинг мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши, малака ошириши, ошпазлар кийими, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантирувчи ва ювиш воситалари билан таъминлаш ишлари аутсорсер томонидан амалга оширилади.

39. Давлат МТТларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш фаолиятини юритувчи ошпазларининг малакасини ошириш жараёни Вазирлик томонидан ваколатли идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастури асосида ташкил этилади.

40. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлар тарбияланувчиларнинг ҳақиқатда давлат МТТларига келган кунлари сонидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

Давлат буюртмачиси томонидан аутсорсерга аутсорсинг хизматлари бўйича «Ягона мавсумий таомнома» асосида бир нафар тарбияланувчини бир кунда соғлом овқатлантириш учун белгиланган нарх ва унга нисбатан олинган устама ҳақ миқдори тўлаб берилади.

41. Аутсорсер ҳар ўн кунда давлат МТТлари директори томонидан тасдиқланган таомнома нусхалари, кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисобварақ-фактура ҳужжатлари ҳамда буюртмани тегишли туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматига тақдим этади.

Давлат буюртмачиси юқорида қайд этилган маълумотлар асосида аутсорсерга кўрсатган хизматлари учун тегишли маблағларни хизмат кўрсатилган ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ўтказиб беради.

42. Аутсорсинг усулида овқатлантириш ташкил этиладиган давлат МТТларида тарбияланувчиларни овқатлантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ота-оналар тўловдан тушган тушумлар, ҳомийлик маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Бунда аутсорсинг усулида овқатлантириш ташкил этилган давлат МТТларида ошпаз, ошхона ишчилари штат бирликлари назарда тутилмайди.

43. Аутсорсер томонидан шартнома ва инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганда, ўз фаолияти санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга оширилганда, давлат буюртмачиси ҳамда аутсорсер билан тузилган шартнома харид комиссияси қарорига кўра узайтирилиши мумкин. Бунда:

аутсорсер томонидан таклиф этилган устама ҳақ миқдори ўзгартиришсиз қолдирилади;

аутсорсер билан шартномани икки йилдан ортиқ узайтириш мумкин эмас.

44. Давлат МТТлари ходимларининг ушбу давлат МТТларида овқатланиш аутсорсер билан ходим ўртасида тузилган шартномага мувофиқ тўлов асосида ташкил этилади.

7-боб. Аутсорсер ва давлат буюртмачисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

45. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат МТТларида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб уларни овқатлантириш учун эҳтиёждан ошмаган ҳолда фойдаланиладиган коммунал хизматлар учун сарфланадиган харажатлар давлат МТТларига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаб қилиш;

давлат МТТлари ошхонасининг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари, мебелидан шартнома амал қилиш даврида текин фойдаланиш ва уларнинг ишчи ҳолатда сақланишини назорат қилиш;

давлат МТТларига кўрсатган хизматлари учун тўловни ўз вақтида олиш;

давлат МТТларида ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар бўйича томонлар ўртасида имзоланиб, тасдиқланган далолатнома асосида тўловни амалга ошириш юзасидан муурожаат қилиш.

Аутсорсер қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

46. Аутсорсерга қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва фойдаланиладиган жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигини таъминлаш;

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш хизматини давлат МТТлари ошхонасининг ўзида тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

таомларни амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига ҳамда овқат тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда тайёрлаш;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича соҳа мутахассислари (муҳандис-технолог, диетолог, ошпазлар) билан таъминлаш;

«Ягона мавсумий таомнома» бўйича тайёр таомларнинг вазни, таркиби-

даги маҳсулотлар миқдори тўғри бўлишини ҳамда технологик карталарнинг тўғри юритилишини таъминлаш;

технологик жиҳозлар ва асбоб-ускуналарини мунтазам равишда жорий таъмирлаб бориш;

Мониторинг гуруҳи, ҳудудий бошқарма ҳамда давлат буюртмачиси томонидан ўтказиладиган мониторинг жараёнларига тўсқинлик қилмаслик ва сўралган маълумотларни ўз вақтида тақдим қилиш;

шартнома умумий суммасининг камида 3 (уч) фоизи миқдорида хизмат кўрсатаётган давлат МТТларига инвестиция киритиш;

ошпазларни белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтган ҳолда ишга қабул қилишни ва ўз маблағлари ҳисобидан уларнинг ҳар уч йилда камида бир марта малака оширишини таъминлаш.

Аутсорсерга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

47. Давлат буюртмачиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

аутсорсинг усулида овқатлантириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ҳамда тайёр таомлар сифатининг «Ягона мавсумий таомнома»га мувофиқлигини мониторинг қилишда иштирок этиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш.

Давлат буюртмачиси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

48. Давлат буюртмачисига қўйидаги мажбуриятлар юкланади:

аутсорсернинг хизмат кўрсатиш билан боғлиқ коммунал хизматлари харажатларини белгиланган нормалар асосида давлат МТТларига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қоплаш;

аутсорсерга технологик жиҳозлар, ошхона ва омборхоналар, асбоб-ускуналар, идиш-товоқлар ва мебеллардан ижара шартномаси асосида вақтинча фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш ва уларнинг ишчи ҳолатда сақланишини назорат қилиш;

кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш.

Давлат буюртмачисига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

8-боб. Мониторинг гуруҳи

49. Аутсорсернинг мажбуриятлари бажарилиши юзасидан Вазирлик томонидан Мониторинг гуруҳи ташкил этилади.

Мониторинг гуруҳи таркиби Вазирлик, Марказ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик ошпазлик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, ҳудудий бошқармалар, туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлимлари, Ўзбекистон Аутсорсинг хизмат-

лари кўрсатувчи корхоналар уюшмаси, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими вакилларида шакллантирилади.

Мониторинг гуруҳи Вазирлик томонидан тасдиқланадиган мониторинг юритиш режа-жадвалига мувофиқ ғолиб деб топилган аутсорсер мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан мониторинг юритади.

50. Мониторинг гуруҳи аутсорсер «Ягона мавсумий таомнома» ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида фаолият юритаётгани, тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, таом тайёрлашда технологик карталардан фойдаланаётгани, киритилган инвестиция миқдори ва нархи, технологик жиҳозлар ва асбоб-ускуналарини мунтазам равишда жорий таъмирлаб борилиши юзасидан мониторинг ўтказилади.

51. Мониторинг гуруҳи мониторинг ўтказиш жараёнида аутсорсер томонидан йўл қўйилган камчиликлар бўйича белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилади ҳамда Марказга тақдим этади.

52. Марказ Мониторинг гуруҳи томонидан тақдим этилган далолатномадаги камчиликларни ўрганиб чиққан ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида аутсорсерга оғоҳлантириш беради.

53. Оғоҳлантиришда белгиланган муддат давомида аутсорсер томонидан камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, харид комиссияси аутсорсер билан шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва давлат буюртмачисига юборади.

Аутсорсер билан шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб аутсорсер томонидан таклиф этилган устама ҳақ миқдорида шартнома тузиши ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

54. Аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича мониторинг 5-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

55. Давлат буюртмачиси мониторинг натижалари юзасидан аутсорсер шартномадаги мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, аниқланган камчиликлар тўғрисида ҳудудий бошқармаларга мазкур ҳолатлар бўйича маълумот киритади, ҳудудий бошқармалар киритилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда Вазирлик ҳамда Марказга тақдим этади.

56. Мониторинг гуруҳи «QR-Feedback» ахборот тизимига жамоатчилик назорати ва ота-оналардан келиб тушган шикоят ва таклифларни мувофиқлаштириб боради ҳамда ўрганиш натижаси тўғрисида Марказга доимий равишда маълумот киритиб боради.

9-боб. Яқунловчи қоида

57. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 6 январдаги 1-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 25 июлдаги 626-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошиси ва 2-илоvasи.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 июндаги 407-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон Фармони)» 2021 йил 19 ноябрдаги 694-сон қарорига 1-илоvанин г 65-банди «в» кичик банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованин г 674-банди «б» кичик банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 12 майдаги 255-сон қарорига 3-илованин г 22-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

3 Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регла- ментни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 28 февралдаги ПҚ–91-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг хавфсизлигига қўйиладиган талабларни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарга қўйиладиган талаблар, шунингдек, уларни тамғалаш, идентификация қилиш ҳамда мувофиқлигини баҳолаш тартибини назарда тутувчи Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент (кейинги ўринларда — техник регламент) 1-иловага мувофиқ;

Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни жорий этиш схемаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ой ўтгач амалга киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазири Б.Ф. Исламов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси раиси

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 январда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

А.В. Рафиқов ҳамда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А.Р. Жуманазаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 6 январь,
2-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 6 январдаги 2-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-
ускуналар хавфсизлиги тўғрисида**
ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Техник регламент инсон ҳаёти ва саломатлигини, мол-мулки ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда истеъмолчиларни чалғитадиган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида портлаш хавфи бўлган муҳитда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши ва бажарилиши мажбурий бўлган ягона талабларни белгилайди.

2. Техник регламентнинг талаблари мазкур Техник регламентга 1-илова* келтирилган Техник регламент талаблари қўлланиладиган мажбурий тартибда мувофиқлиги баҳоланадиган портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналар рўйхатига (кейинги ўринларда — асбоб-ускуналар) нисбатан қўлланилади.

Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг портлаш хавфсизлигини белгиловчи кўрсаткичлар таснифи мазкур Техник регламентга 2-иловада келтирилган.

3. Мазкур Техник регламент қўйидагиларга татбиқ этилмайди:
портлаш муҳитида фойдаланиш мумкин бўлмаган техник қурилмалар, ўз таркибида портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар ва беқарор кимёвий бирикмаларга (портловчи моддалар, порох ва бошқалар);

ёнувчан газнинг кутилмаганда сизиб чиқиши натижасида портлаш муҳити ҳосил бўлган шароитларда маиший ва носаноат мақсадларида фойдаланиш учун газдан фойдаланиладиган ускуналарга;

Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали транзит олиб ўтиладиган асбоб-ускуналарга;

тиббий маҳсулотларга;

шахсий ҳимоя воситаларига;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

умумий фойдаланишда бўлган ҳаво, автомобиль йўли, темир йўл ёки сув транспортида ўрнатилган асбоб-ускуналарга;

ядровий тадқиқот асбоб-ускуналарига ва улардаги портлаш муҳитида жойлашган асбоб-ускуналарга.

4. Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ишлатиш қоидалари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан ўрнатилган тартибда белгиланади.

5. Мазкур Техник регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

авария ҳолати — портлаш муҳитида ишлаётган асбоб-ускуналарнинг кўрсаткичлари ишлаб чиқарувчи томонидан техник ҳужжатларда белгиланган чегаралардан ошиб кетиш ҳолати;

ишлаб чиқарувчи — асбоб-ускуналарни портлаш муҳитида ишлатиш учун ишлаб чиқариладиган ва (ёки) сотиладиган ва унинг Техник регламент талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркор;

ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш ҳолати таҳлили — ишлаб чиқарувчи томонидан асбоб-ускуналар Техник регламент талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши учун зарур шарт-шароитлар мавжудлигини баҳолаш;

нормал иш режими — электр ва механик хусусиятлари ишлаб чиқарувчи томонидан техник ҳужжатларда белгиланган меъёрий чегаралардан ошмайдиган асбоб-ускуналарнинг ишлаш режими;

носозлик — асбоб-ускуналар ишлашининг ҳолатини бузилиш ҳолати;

портлаш хавфи бўлган муҳит — газ, буғ, туман, чанг, толалар ёки учиб юрадиган заррачалар кўринишидаги ёнувчан моддаларнинг атмосфера шароитида ҳаво билан аралашмаси бўлиб, уларда ўзини ўзи таъминлайдиган алангаланиш ва тарқалиш содир бўлиши;

портлаш хавфи бўлган ҳудуд — асбоб-усқунани лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш жараёнида махсус ҳимоя чораларини талаб қиладиган даражада портлаш муҳити мавжуд бўлган ёки ҳосил бўлиши мумкин бўлган ёпиқ ёки очиқ майдоннинг бир қисми;

портлаш хавфсизлиги — зарар ва (ёки) шикаст етказиш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган атрофдаги портлаш муҳитининг ёниш хавфи мавжуд эмаслиги;

портлаш хавфсизлигининг махсус белгиси — асбоб-ускуналарни ва Ех-компоненти портлашдан ҳимояланганлигини аниқлаштирувчи, ишлаб чиқарувчининг техник ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган, асбоб-ускуналар ва Ех-компонентида кўрсатиладиган махсус портлашдан ҳимоя қилиш белгиси ва идентификация кўрсаткичларининг белгилари;

портлашдан ҳимоя қилиш тури — портлаш муҳитида ишлаш учун мўлжалланган асбоб-ускуналарда атрофдаги портлаши муҳити алангаланишининг олдини олишга қаратилган махсус восита ва чора-тадбирлар;

портлашдан ҳимояланиш — портлаш муҳитида ишлаш учун асбоб-ускуналарнинг портлаш хавфсизлигини таъминлаш чоралари;

портлашдан ҳимояланиш даражаси — портлашдан ҳимояланиш

даражаси, портлаш муҳитида ёниш манбаи бўлиши хавфи ва фойдаланиш шартларига кўра жиҳозланиши;

портлаш муҳитида ишлатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар — портлаш хавфи бўлган муҳитда ишлатиш учун мўлжалланган ва ўз потенциал манбаларидан келиб чиқиб, атроф-муҳитда портлаш хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган асбоб-ускуналар (машина, аппаратлар, стационар ёки мобил қурилма, уларни бошқариш тизимларининг элементи, ҳимоя, ҳимоя қилувчи қурилма, назорат ўлчаш воситалари), лекин унинг конструкцияси ушбу хавф яратилишига йўл қўйиб бермайдиган асбоб-ускуналар;

портлаш хавфи бўлган газ муҳитининг ўзидан-ўзи алангаланиш ҳарорати — қизиган сиртнинг энг паст ҳароратидаги маълум шароитларда газ ёки буғ-ҳаво аралашмаси алангаланиши;

сиртнинг максимал ҳарорати — ишлаб чиқарувчининг техник ҳужжатларида назарда тутилган белгиланган иш режимлари бузилганда ёки шикастланганда, лекин бир вақтнинг ўзида белгиланган оғишлар доирасида асбоб-ускуналарнинг қисмлари ёки юзасида ишлаш пайтида юзага келадиган энг юқори ҳароратининг портлашдан ҳимоя қилишнинг ўзига хос тури;

техник ҳужжатлар — портлаш хавфи бўлган муҳитда ишлатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналарни (қисмлар, йиғиш бирликлари, комплекслар ва тўпламлар) лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва ишлатишда, шунингдек, ҳимоя тизимларини лойиҳалаштириш, ўрнатиш ва улардан фойдаланишдаги график ва матнли ҳужжатлар тўплами;

чанг қатламининг ўзидан-ўзи алангаланиш ҳарорати — қизиган сиртнинг энг паст ҳароратидаги сирт маълум қалинликдаги чанг қатламининг ўзидан-ўзи алангаланиши;

қобиқ (герметик) конструкция — асбоб-ускуналарнинг ишлаши натижасида ўзидан ташқарига ёки ичкарига газ ва чангларни ўтказмайдиган конструкция;

Ех-компоненти — портлаш хавфли бўлган муҳитда асбоб-ускуналарнинг хавфсиз ишлаши учун зарур бўлган, асбоб-ускуналарга ўрнатиладиган, портлашдан ҳимояланиб ясалган, лекин мустақил фойдаланиш учун мўлжалланмаган техник қурилмалар.

2-боб. Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарга хавфсизлик талаблари

1-§. Ёнғин хавфсизлиги талаблари

6. Асбоб-ускуналарга ёнғин хавфсизлиги талаблари Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

7. Асбоб-ускуналар портлаш хавфи бўйича хавфсиз ишлаш ва фойдаланиш учун зарур бўлган қуйидаги талабларга:

асбоб-ускуналардан ёнувчи моддаларнинг чиқиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган портлаш муҳитининг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;

портлаш содир бўладиган ҳар бир манбанинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, портлаш муҳити алангаланишининг олдини олиш;

асбоб-ускуналарнинг қўлланиш соҳасига қараб, мазкур Техник регламентга 2-иловага мувофиқ Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг портлаш хавфсизлигини белгиловчи кўрсаткичлар таснифига жавоб бериши керак.

8. Асбоб-ускуналарнинг портлаш хавфсизлиги нормал иш шароитида ва ундан фойдаланиш шартларини ҳисобга олган ҳолда, техник ҳужжатларда белгиланган оғишлар доирасида таъминланиши керак.

2-§. Электр хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

9. Электр кучланишининг тебраниши ёки ёрдамчи энергия тавсифининг ўзгариши, шунингдек, электр энергиясининг узилиши ва кейинчалик қайта тикланиши, асбоб-ускуналарнинг хавфсизлигини бузмаслиги керак.

10. Электр тармоғига уланган асбоб-ускуналар электр токи таъсиридан ҳимояланган бўлиши керак.

11. Асбоб-ускуналарни лойиҳалаштиришда ва ишлаб чиқаришда электромагнит ҳодисалар (жараёнлар) билан боғлиқ ҳар қандай хавфлардан ҳимояланган бўлиши керак.

12. Асбоб-ускуналар статик электрдан (хавфли қувватга олиб келиши мумкин бўлган электростатик зарядлар) ҳимояланган бўлиши керак.

3-боб. Асбоб-ускуналарни лойиҳалаштириш ва техник ҳужжатларга қўйиладиган талаблар

1-§. Лойиҳалаштиришга қўйиладиган талаблар

13. Асбоб-ускуналар мақсади бўйича фойдаланилганда ҳамда ўрнатиш, фойдаланиш (ишлатиш), ташиш (жўнатиш), техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга қўйиладиган талаблар бажарилганда, қўйидаги хавфсизлик талаблари таъминланиши керак:

асбоб-ускуналар тўлиқ (лойиҳавий) хизмат муддати давомида фойдаланилганда портлаш хавфсизлигини;

асбоб-ускуналар ва унинг таркибий қисмлари тегишли механик ва иссиқлик кучланишига бардош берадиган тарзда ишлаб чиқилиши ва ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган иш шароитлари чегараларини ҳисобга олган ҳолда, атроф-муҳит ва мавжуд ёки шубҳали агрессив моддалар таъсирига бардош бериши;

агар асбоб-ускуналарда алангаланиш манбалари бўлиши мумкин бўлган қисмлар мавжуд бўлса, у ўчирилган тақдирдагина очилиши ёки чакнашга хавфсиз занжирлардан ташкил топиши ёки ходимларни тегиб кетишидан ва огоҳлантириш белгилари билан ҳимояланган бўлиши;

агар асбоб-ускуналарнинг қобиқ (герметик) конструкциясида туташув манбалари бўлиши мумкин бўлган электр қувватини сақлаш мосламалари (конденсаторлар) ва қиздирилган элементлар мавжуд бўлса, қобиқ (герметик)

конструкцияларида ўрнатилган конденсаторларни хавфсиз қолдиқ энергия қийматига тушириш ёки қувватни камайтириш учун етарли вақтни кечиктириш билан очилиши;

иситиладиган элементларнинг ҳарорати жиҳозда кўрсатилган максимал сирт ҳарорати ёки ҳарорат синфидан паст бўлиши.

агар электр узилишидан кейин асбоб-ускунани ҳимоя гази билан тозалаш ҳамда ўрнатилган конденсаторлар қувватсизлангунга ёки қизиган элементларнинг ҳарорати паст қийматларга тушгунга қадар ҳимоя гази билан тозалашни давом эттириш назарда тутилган бўлса, ишлаб чиқарувчи томонидан асбоб-ускунанинг очилиш қисмларида огоҳлантириш белгилари ўрнатилган бўлиши;

портлашдан ҳимояланганлик даражаси «юқори портлашдан хавфсиз» («жуда юқори») ва «портлашдан хавфсиз» («юқори») ва (ёки) унинг қисмлари сиртининг ҳарорати ўзидан-ўзи ёниш ҳароратидан паст бўлиши ва белгиланган авария ҳолатларида ва атроф-муҳит шароитлари ўзгарганда, портловчи газ муҳити ва ишчи ҳолатида (техник ҳужжатларда белгиланган оғишлар доирасида) чанг қатламининг ўзидан-ўзи ёниш ҳароратидан паст бўлиши;

ишчи ҳолатда атрофдаги газ атмосферасининг ўзидан-ўзи ёниш ҳароратидан юқори ҳароратга (техник ҳужжатларда белгиланган оғишлар доирасида) фақат ишлаб чиқарувчи томонидан асбоб-ускуналарни ҳимоя қилиш учун қўшимча чоралар кўрилган тақдирдагина рухсат этилади. Бундай ҳолатда ташқи иситиш манбалари ва кимёвий реакциялар натижасида юзага келадиган ҳарорат ошишини ҳисобга олиш;

портлашдан ҳимоя қилиш даражаси «портлашга қарши юқори ишончлилик» («юқорилаштирилган») бўлган асбоб-ускуналарнинг сирти ҳарорати, нормал иш шароитида максимал сирт ҳароратидан юқори бўлмаслиги керак. Бундай асбоб-ускуналарнинг конструкциясида учқун чиқармайдиган ва унинг натижасида портлаш муҳитини юзага келтирмайдиган қисмлардан ташкил топиши;

ёнувчан газлар ёки чанг ажралиши мумкин бўлган асбоб-ускуналар қобик (герметик) конструкцияга эга бўлиши керак. Асбоб-ускуналардаги мавжуд ҳар қандай тешиқлар ёки герметик бўлмаган бирикмалар, ҳосил бўладиган газлар ёки чанглар асбоб-ускуналарнинг ташқи қисмида портлаш муҳитини юзага келтирмайдиган қилиб лойиҳалаштирилиши лозим. Материаллар кирадиган ёки чиқадиган тешиқлар ёнувчан материалларнинг чиқишини чеклаш учун мўлжалланган ва жиҳозланган бўлиши;

портловчи чанг бўлган объектларда ва (ёки) уларнинг жойларида фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар юзасида тўпланган чанг ёниб кетмаслиги учун мўлжалланган бўлиши керак. Асбоб-ускуналар қисмларининг сирти ҳарорати чанг қатламининг ўзидан-ўзи ёниш ҳароратидан паст бўлиши керак. Бундай ҳолда хавфли иссиқлик ҳосил бўлишининг олдини олиш учун асбоб-ускуналарнинг қисмлари сирти ҳароратини чеклаш учун воситалар билан таъминлаш керак. Сирт қисми чангдан тозаланиб турилиши ва чанг қатлами меъёри техник ҳужжатларда кўрсатилган бўлиши;

техник ҳужжатларда назарда тутилган белгиланган иш режимлари бу-

зилган тақдирда, агар бу хавфсизликка салбий таъсир кўрсатмаса, автоматик жараёнларга киритилган асбоб-ускуналарни хавфсиз қўлда ўчиришни таъминлаши;

асбоб-ускуналарнинг авария содир бўлиши ҳолатида ўчирилишида тўпланган энергия очиладиган қопқоқларга ўрнатилган огоҳлантириш белгила-рида кўрсатилган вақт ичида хавфсиз қийматга тарқалиши;

асбоб-ускуналар тегишли кириш мосламалари билан жиҳозланган бўли-ши ва агар асбоб-ускуналар бошқа жиҳозлар билан биргаликда фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, уларнинг уланиши хавфсиз бўлиши;

агар асбоб-ускуналар портлаш муҳитини аниқлаш ёки огоҳлантириш асбоблари билан жиҳозланган бўлса, уларни жойлаштириш жойлари ва шартлари техник ҳужжатларда кўрсатилиши;

асбоб-ускуналарда портлаш муҳитини яратувчи ёнувчан моддаларни ажратишга қодир бўлган материаллар бўлмаслиги;

техник ҳужжатларда белгиланган иш шароитлари доирасида асбоб-уску-наларнинг портлашдан ҳимояланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган портлаш хавфи мавжуд бўлган муҳитни ҳосил қилувчи материаллар ва моддалар ўртасида кимёвий реакция эҳтимоли истисно қилинган бўлиши;

асбоб-ускуналарда атроф-муҳит ҳарорати ва иш шароитлари таъсирида кўрсаткичлари ўзгарганда, шунингдек, бошқа материаллар билан биргаликда асбоб-ускуналарнинг портлашдан ҳимояланиш даражасини пасайтирадиган материаллар бўлмаслиги;

асбоб-ускуналарга ўрнатилган Ех-компонентлари техник ҳужжатларга мувофиқ ўрнатилганда, портлаш хавфсизлигини таъминлаш талабларига му-вофиқ хавфсиз ишлаши;

ташқи таъсирга тушиши мумкин бўлган асбоб-ускуналар қўшимча ҳимоя воситалари билан таъминланиши керак. Асбоб-ускуналар унинг портлашдан ҳимояланишига путур етмаган ҳолда ташқи таъсирларга бардош бериши;

асбоб-ускуналар ёпиқ жойларда ёки контейнерда жойлашган бўлса, агар бу ҳолат портлашдан ҳимоя қилишнинг бир турини ташкил этса, бундай ёпиқ жойлар ёки контейнерларни фақат махсус асбоб ёрдамида ёки тегишли хавфсизлик чораларига риоя этган ҳолда очилиши ва рухсатсиз очилишининг олди олиниши;

асбоб-ускуналарнинг ортиқча юкланишининг олдини олиш мақсадида ўлчаш, тартибга солиш ва назорат воситалари (максимал ўчириш, ҳарорат чекловлари, дифференциал босим ўтказгичлари, оқим ўлчагичлари, вақтни кечиктириш релелари, ҳаракат кўрсаткичлари ва (ёки) шунга ўхшаш турдаги қурилмалар) билан таъминланиши.

14. Асбоб-ускуналарнинг конструкцияси қуйидаги потенциал алангала-ниш манбаларидан ҳимояланган бўлиши керак:

учқунлар (электр ва ишқаланишдан), олов, қизиган сиртларнинг юқори ҳарорати, электромагнит, ультратовуш, оптик ва ионлаштирувчи нурланиш-дан;

хавфли коррозияга олиб келиши мумкин бўлган, учқун пайдо бўли-шига ёки юзаларнинг ҳаддан ташқари қизиқ кетишига олиб келадиган ва

шу билан ёниш эҳтимолини яратадиган адашган оқимлар ва оқиш оқимларидан;

материал ва қисмларнинг ҳаракати натижасида ёки бошқа бегона жисмларнинг айланишида бир-бирига ишқаланиш ёки зарба натижасида юзага келиши мумкин бўлган қизишдан;

ростлаш қурилмалари томонидан амалга ошириладиган ва алангаланишга олиб келадиган зарба тўлқинлари ёки сиқилиш пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган босим компенсациясидан;

яшин уришидан;

экзотермик реакциялар, шу жумладан, чанг қатламининг ўзидан-ўзи алангаланишидан.

15. Асбоб-ускуналарни конструкциялаш пайтида портлаш пайдо бўлишининг барча хавфли омиллари ҳисобга олинган ва портлашга хавфли муҳитнинг алангаланиш манбалари аниқланган бўлиши керак.

Хавфли омилларни баҳолашни ҳисобга олган ҳолда портлаш муҳитида фойдаланиш учун асбоб-ускуналарни портлашдан ҳимоя қилишни (портлашдан ҳимоя қилиш турларини) таъминлаш усуллари танланиши керак.

16. Авария ҳолатларида асбоб-ускуналарни ҳимоя қилишни таъминлайдиган қурилмалар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ишлаши учун зарур бўлган ҳар қандай ўлчаш ёки назорат қилиш воситасидан мустақил равишда ишлаши керак. Ҳимоя қурилмасининг ишдан чиқиши техник ҳужжатларда назарда тутилган техник воситалар ёрдамида аниқланиши керак;

авария ҳолатидаги ўчириш, тегишли бошқарув қурилмаларини дастурий таъминотнинг оралиқ буйруғисиз бевосита фаоллаштириши керак;

авария ҳолатларининг олдини олиш ҳимоя қурилмалари, қайта ишга туширишини ҳимоя қилувчи механизмлар ёки бошқа қурилмалар билан жиҳозланиши керак. Янги буйруқни бажариш ва нормал иш режимини тиклаш фақат қайта ишга туширишни махсус блокировка олиб ташлангандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

17. Портлаш муҳитида ишлатиладиган бошқа қурилмалар ва дастурлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

бошқарув элементлари ва кўрсаткичлар портлаш хавфи бўйича иш хавфсизлигининг мумкин бўлган энг юқори даражаси таъминланган ҳолда ишлаб чиқилиши;

ўлчаш функциясига эга бўлган қурилмалар портлаш муҳитида фойдаланиш талаблари ва шартларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши ва ишлаб чиқарилиши ва ўлчашларнинг бир хиллигини таъминлаш талабларига жавоб бериши;

дастурлаш функциясига эга қурилмалар ва кўрсаткичлар аниқ бўлишини ва ишлашини текшириш имконияти таъминланиши;

ўлчаш функциясига эга қурилмалар учун потенциал аланга манбасининг авария чегараси, техник ҳужжатларда, иш шароитларида белгиланган хавфсизлик омилини ҳисобга олган ҳолда, рўйхатга олинган портлаш муҳитининг портлаши ва (ёки) алангаланиши учун чегара шартларидан ўлчаш тизими-

нинг йўл қўйилиши мумкин бўлган жами хатоларини ҳисобга олган ҳолда паст бўлиши;

назорат қиладиган ускунанинг дастурий таъминоти дастурдаги хатолар билан боғлиқ хавфларни ҳисобга олиши.

2-§. Техник ҳужжатларга қўйиладиган талаблар

18. Асбоб-ускуналарни истеъмолчига етказиб беришда техник ҳужжатлар илова қилиниши ва унда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

асбоб-ускуналарнинг номи ва (ёки) тамғаланиши (тури, маркаси, модели), унинг хавфсизлигига таъсир қилувчи параметрлари ва хусусиятлари, ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) товар белгиси;

унинг мақсади ҳақида маълумот;

ўрнатиш, йиғиш, мослаш ёки созлаш бўйича кўрсатмалар;

асбоб-ускуналардан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларда ва фойдаланиш вақтида кўрилиши зарур бўлган хавфсизлик чоралари (шу жумладан, ишга тушириш, белгиланган мақсадда фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, барча турдаги таъмирлаш ва техник кўриқлар, зарарли ишлаб чиқариш омилларининг жадаллигини камайтириш ва маҳаллийлаштиришга қаратилган химоя воситалари, транспорт қилиш ва сақлаш шартлари);

белгиланган хизмат муддатлари кўрсаткичлари ва (ёки) белгиланган ишлаш ресурси;

кескин носозликлар рўйхати, асбоб-ускуналарнинг авария ҳолатларига олиб келадиган ходимларнинг (фойдаланувчиларнинг) мумкин бўлган хатолари ва бу хатоларнинг олдини олиш бўйича ҳаракатлар;

чегара ҳолати (режимлари) параметрлари;

ушбу асбоб-ускуналарнинг нотўғри ишлаши аниқланган тақдирда, барта-раф этиш чоралари тўғрисида маълумоти;

қўшимча компонентларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотлар (кабель киришлари ва бошқалар);

асбоб-ускуналарнинг портлаш хавфсизлигини белгилайдиган техник тавсифларини сақлашни таъминлашга қўйиладиган талаблари;

қадоқлаш, сақлаш ва ташиш шартларига қўйиладиган талаблар, белгиланган сақлаш муддатлари, ҳолатини қайта текшириш, яроқлилик муддати ўтган алоҳида элементларни, қисмларни, йиғмаларни алмаштиришнинг норматив муддатлари бўйича кўрсатмалари;

асбоб-ускуналарни утилизация қилиш талаблари;

сақлаш ва ташиш қоидалари ва шартлари;

ходимларга қўйиладиган талаблар;

ишлаб чиқарувчининг ва/ёки импорт қилувчининг ёки ваколатли вакилнинг жойлашган жойи (почта манзили), у билан боғланиш учун маълумот; ишлаб чиқарилган сана.

19. Техник ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси давлат тилида ишлаб чиқилади.

20. Асбоб-ускуналарнинг техник ҳужжатлари ишлаб чиқарувчи (ишлаб

чиқарувчининг ваколатли вакили) томонидан ушбу асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш тугагандан сўнг ҳам хизмат муддати тугангунга қадар сақланади.

4-боб. Асбоб-ускуналарни тамғалашга қўйиладиган талаблар

21. Асбоб-ускуналар махсус белги билан тамғаланиши шарт.

22. Асбоб-ускуналарнинг тамғаланиши давлат тилида бўлиши шарт ва қуйидаги мажбурий маълумотларни ўз ичига олиши керак:

ишлаб чиқарувчининг номи ва унинг товар белгиси (агар мавжуд бўлса); асбоб-ускунанинг тури, маркаси, модели;

ишлаб чиқарилган сана;

ишлаб чиқарувчининг рақами;

ишлаб чиқарувчи мамлакат номи;

мазкур Техник регламентга 3-иловага* мувофиқ Портлаш хавфсизлигининг махсус белгиси тасвири.

Тамғаларни бошқа тилларда такрорлашга рухсат берилади.

Тамғалаш ушбу асбоб-ускуналарнинг юзасига ёки қисмларга ажратилмасдан ва қўшимча асбоблардан фойдаланмасдан, кўриш мумкин бўлган жойга қўйилиши ва бунда асбоб-ускуналарнинг бутун ишлаш муддати давомида сақланиши лозим.

23. Ишлаб чиқарувчининг қарорига биноан ёки етказиб бериш шартномасига мувофиқ асбоб-ускуналарни тамғалаш ундан хавфсиз фойдаланиш учун муҳим бўлган қўшимча қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин:

номинал кучланиш ёки номинал кучланиш ораликлари;

узок муддатли рухсат этилган иш кучланиши;

оқим турининг белгиси (агар номинал частота кўрсатилмаган бўлса);

инсоннинг электр токи уришидан ҳимоя қилиш синфининг рамзи;

қобик (герметик) конструкция билан таъминланган ҳимоя даражаси;

номинал истеъмол қилинган ёки фойдали қувват ёки номинал оқим;

оғирлик;

габарит ўлчамлари.

5-боб. Асбоб-ускуналарнинг мувофиқлигини баҳолаш

1-§. Асбоб-ускуналарни идентификация қилиш

24. Асбоб-ускуналар идентификация қилинади. Уларнинг тавсифлари Техник регламентнинг 22 ва 23-бандларида кўрсатилган маълумотлар билан бир хиллигини таъминлаш йўли билан идентификация қилинади.

25. Асбоб-ускуналар ва Ех-компонентнинг идентификация белгиси — техник ҳужжатларда кўрсатилган портлашдан ҳимояланиш ҳолатининг мавжудлиги ва асбоб-ускуналар ва Ех-компонентда кўрсатилган махсус портлашдан ҳимояланганлик белгиси ҳисобланади.

2-§. Асбоб-ускуналарни мувофиқлигини баҳолаш

26. Эркин муомалага чиқарилишидан олдин асбоб-ускуналарнинг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлиги мувофиқликни сертификатлаш шаклида тасдиқланади.

27. Мувофиқлик сертификати туркум ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуналарга уч йил муддатга, асбоб-ускуналар тўпига эса маҳсулотнинг ярқилик ёки кафолат муддатига расмийлаштирилади.

28. Мувофиқликни тасдиқлашдан олдин Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ асбоб-ускуналар идентификация қилинади.

29. Асбоб-ускуналарни мазкур Техник регламент талабларига сертификатлаштириш орқали мувофиқлиги қуйидаги схемалар асосида баҳоланади:

1С схема — туркум ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуналарни сертификатлаштиришда қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили) ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан тамғаланишини таъминлайди;

3С схема — асбоб-ускуналарни тўпи учун қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан (импорт қилинган маҳсулотлар ариза берувчига қулай шаклда) тамғаланишини таъминлайди;

4С схема — ягона (битта) асбоб-ускуна учун Техник регламентда белгиланган синов ва ўлчаш жараёнида ушбу буюмга путур етказилмаса қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади;

30. Мувофиқлик сертификати Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

6-боб. Ўтиш даври

31. Мазкур Техник регламент кучга кирган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган ва асбоб-ускуналар учун хавфсизлик талабларини белгиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Техник регламент билан мослаштирилгунига қадар ушбу техник регламентга зид бўлмаган қисмлари амалда қўлланилади.

32. Техник регламент кучга киргунга қадар асбоб-ускуналар учун олинган мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар ушбу ҳужжатларда белгиланган муддатлар давомида амалда бўлади.

7-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати

33. Мазкур Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, шунингдек, портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналар хавфсизлиги соҳасидаги ваколатли давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8-боб. Техник регламент талабларини бузганлик учун жавобгарлик

34. Мазкур Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Портлаш хавфи бўлган муҳитларда
ишлатиладиган асбоб-ускуналар хавфсизлиги
тўғрисидаги техник регламентга
2-ИЛОВА

**Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган
асбоб-ускуналарнинг портлаш хавфсизлигини
белгиловчи кўрсаткичлар
ТАСНИФИ**

I. Портлаш хавфи бўлган ҳудудларнинг таснифи

1. Портлаш хавфи бўлган ҳудудларнинг таснифи ускуна тегишли портлаш хавфи бўлган ҳудудда хавфсиз ишлатилишини таъминловчи портлашдан ҳимоя қилиш даражаси бўйича мос ускунани танлаб олиш мақсадида қўлланилади.

2. Портлаш хавфи бўлган аралашманинг мавжудлиги частотаси ва давомийлигига қараб, хавфли ҳудудлар қўйидаги синфларга бўлинади:

0-синф — газлар ёки суюқ буғларнинг ҳаво билан портлаш хавфи бўлган аралашманинг доимий ёки камида бир соат давомида мавжуд бўлган ҳудудлар;

1-синф — асбоб-ускунанинг нормал ишлаши вақтида ҳаво билан портлаш хавфи бўлган аралашмалар ҳосил қилувчи ёнувчи газлар ёки ёнувчи суюқликларнинг буғлари ажралиб чиқадиган ҳудудлар;

2-синф — асбоб-ускунанинг нормал ишлаш вақтида портлаш хавфи бўлган газлар ёки суюқлик буғларининг ҳаво билан аралашмалари ҳосил бўлмайдиган, аммо авария ёки технологиянинг ишдан чиқиши натижасида портлаш хавфи бўлган газлар ёки суюқлик буғларининг ҳаво билан аралашмаси ҳосил бўлиши мумкин бўлган ҳудудлар;

20-синф — портлаш хавфи бўлган ёнувчи чангнинг ҳаво билан аралашмаси ҳар бир кубометр учун 65 g дан пастроқ концентрацияда алангаланиш чегарасига эга бўлган ва доимий равишда мавжуд бўлган ҳудудлар;

21-синф — хоналарда жойлаштирилган асбоб-ускуналарнинг нормал иш режимида ишлашида ажраладиган чанглар ёки толаларнинг жамланмаси ҳосил бўладиган ва натижада ҳар бир кубометр учун 65 g ва ундан кам миқдорда ҳаво билан аралашиб портлаш хавфи бўлган муҳитни яратиши мумкин бўлган ҳудудлар;

22-синф — хоналарда жойлаштирилган асбоб-ускуналарнинг нормал иш режимида ишлашида ажраладиган чанглар ёки толаларнинг жамланмаси ҳосил бўладиган ва натижада ҳар бир кубометр учун 65 g ва ундан кам миқдорда ҳаво билан аралашиб портлаш хавфи бўлган муҳитни яратмайдиган, аммо авария ёки технологик қурилмани бузилиши натижасида ёнувчи чанглар ёки толаларни ҳаво билан аралашishi натижасида портлаш хавфи мумкин бўлган ҳудудлар.

II. Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг гуруҳлар бўйича таснифи

3. Қўллаш соҳасига қараб асбоб-ускуналар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

I гуруҳ асбоб-ускуналари — руда газлари ва (ёки) ёнувчи чанг туфайли хавфли бўлган шахталар ва уларнинг ер усти ва ер ости иншоотларида фойдаланиш учун мўлжалланган ускуналар. Конструкциясига қараб, I гуруҳ асбоб-ускуналари портлашдан ҳимоя қилинганлиги ҳолати учта даражадан бирига эга бўлиши мумкин;

II гуруҳ асбоб-ускуналари — портловчи газ муҳити таъсирида хавфли жойларда фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар (шахталар ва уларнинг ер усти ва ер ости иншоотлари бундан мустасно). Конструкциясига қараб, II гуруҳ асбоб-ускуналари портлашдан ҳимоя қилинганлиги учта даражадан бирига эга бўлиши мумкин. II гуруҳ асбоб-ускуналари портлашдан ҳимоя қилинганлик тоифасига қараб IIА, IIВ, IIС кичик гуруҳларга бўлиниши мумкин;

III гуруҳ асбоб-ускуналари — портловчи чанг муҳити таъсирида хавфли жойларда фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар (шахталар ва уларнинг ер усти ва ер ости иншоотлари ишлари бундан мустасно). Конструкциясига қараб, у портлашдан ҳимоя қилишнинг учта даражадан бирига эга бўлиши мумкин. III гуруҳ жиҳозларини портлаш муҳитининг хусусиятларига қараб IIIА, IIIВ, IIIС кичик гуруҳларга бўлиш мумкин.

III. Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни портлашдан ҳимоя қилиш даражалари бўйича таснифи

4. Алангаланиш манбаига айланиш хавфи ва уни портловчи муҳитда ишлатиш шартларига қараб, асбоб-ускуналар портлашдан ҳимояланиш даражаларига кўра қуйидагича таснифланади:

«портлашга чидамли» («жуда юқори»);

«портлашдан ҳимояланган» («юқори»);

«портлашга қарши юқори ишончилилик» («юқорилаштирилган»).

5. Портлашдан ҳимояланишнинг «портлашга чидамли» («жуда юқори») даражаси ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган иш параметрларига мувофиқ ишлашга мўлжалланган, ҳатто портлашдан ҳимояланишнинг зарур даражасини таъминлайдиган асбоб-ускуналарга нисбатан қўлланилади. Эҳтимолдан йироқ бўлмаган ҳолда, портлаш муҳити мавжуд бўлганда ҳам ишлайдиган ва агар ҳимоя воситаларидан бири ишламай қолган тақдирда ҳам, иккинчи мустақил ҳимоя тизими билан портлашдан ҳимоя қилиш орқали ёки иккита бир-бирдан мустақил ҳимоя тизимида узилишлар содир бўлганда портлашдан ҳимояланганлиги.

Мазкур ҳимояланиш ҳолати мавжуд ускуналар, руда газлари ва (ёки) ёнувчи чанглар (I гуруҳ ускуналари) ёки объектлар ва (ёки) уларнинг участкаларида (II ва III гуруҳ ускуналари) газ, буғ, туман ёки чанг, тола, учувчи

моддалар сифатида ҳаво билан ёнувчи моддаларнинг аралашмаси натижасида доимий ёки тез-тез портлашга хавfli муҳитни яратиши мумкин бўлган ер ости конларида ва уларнинг ер усти иншоотларида фойдаланиш учун мўлжалланган жойларда фойдаланилади.

6. Портлашдан ҳимояланиш даражаси «портлашдан ҳимояланган» («юқори») ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган иш параметрларига мувофиқ ишлашга мўлжалланган ва портлашдан ҳимоя қилишнинг зарур даражасини таъминлайдиган ва бир эътироф этилган эҳтимолий зарар билан нормал ишлашни таъминлайдиган ускуналарга нисбатан қўлланилади.

I гуруҳ асбоб-ускуналари ушбу портлашдан ҳимояланиш даражаси атроф-муҳитдаги руда газларини концентрацияси тартибга солинадиган миқдорига етганда хавфсиз тарзда ўчириш имкониятига эга бўлиши керак.

Мазкур ҳимояланиш ҳолати мавжуд асбоб-ускуналар, руда газлари ва (ёки) ёнувчи чанглар (I гуруҳ ускуналари) ёки объектлар ва (ёки) уларнинг участкаларида (II ва III гуруҳ асбоб-ускуналари) газ, буғ, туман ёки чанг, тола, учувчи моддаларнинг эҳтимолий мавжуд бўлиши мумкин бўлган ва унинг натижасида портлашга хавfli муҳитни яратиши мумкин бўлган ер ости конларида ва уларнинг ер усти иншоотларида фойдаланилади.

7. Портлашдан ҳимоя қилиш даражаси «портлашга қарши юқори ишончлилик» («юқорилаштирилган») ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган иш параметрларига мувофиқ ишлашга мўлжалланган ва фақат ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган нормал иш режимида ишлашини таъминлайдиган асбоб-ускуналарга нисбатан қўлланилади.

I гуруҳ асбоб-ускуналари ушбу портлашдан ҳимояланиш даражаси атроф-муҳитдаги руда газларини концентрацияси тартибга солинадиган миқдорига етганда хавфсиз тарзда ўчириш имкониятига эга бўлиши керак.

Мазкур ҳимояланиш ҳолати мавжуд асбоб-ускуналар, нормал режимда ишлаши жараёнида руда газлари ва (ёки) ёнувчи чанглар ёки портлаш муҳитини, ҳаво билан газ, буғ, туман ёки чанг, тола, учувчи моддаларнинг аралашмаси натижасида кам миқдорда мавжуд бўлиши, аммо портлаш муҳити мавжуд бўлса, фақатгина қисқа муддатда пайдо бўладиган ер ости конларида ва уларнинг ер усти иншоотларида (I гуруҳ асбоб-ускуналари) ёки уларнинг объектлари ва (ёки) уларнинг участкаларида (II ва III гуруҳ асбоб-ускуналари) фойдаланилади.

IV. Асбоб-ускуналарни портлашдан ҳимоя қилувчи воситаларнинг турлари

8. Атрофдаги портлаш хавфи бўлган муҳит алангаланишининг олдини олиш бўйича инobatга олинган махсус чора-тадбирларга қараб, асбоб-ускуналар портлашдан ҳимоя қилиш воситаларининг бир тури ёки бир нечта қўшма турларига эга бўлиши мумкин:

1) портлаш хавфи бўлган газ муҳитида ишлаш учун мўлжалланган электр асбоб-ускуналарига нисбатан:

«d» — портлашга чидамли қобик;

«e» — кучайтирилган ҳимоя;
 «i» («ia», «ib», «ic») — чақнашга хавфсиз (ички хавфсиз электр даври);
 «m» («ma», «mb», «mc») — бирикма билан муҳрлаш;
 «nA» — учқун чиқмайдиган асбоб-ускуналар;
 «nC» — портлашдан ҳимояланган қобикдаги контакт қурилмаси ёки герметик орқали муҳрланган ёки ёнмайдиган компонент;
 «nR» — газ ўтиши чекланган қобик;
 «nL» — чекланган энергияга эга электр занжирларини ўз ичига олган ускуналар;

«nZ» — ортиқча босим остида қобик;
 «o» — мой билан тўлдирилган қобик;
 «p» — («px», «py», «pz») — ортиқча босим остида қобикни тўлдириш ёки тозалаш;

«q» — қобикни кварц билан тўлдириш;
 «s» — портлашдан ҳимоя қилишнинг махсус тури;

2) портлаш хавфи бўлган чангли муҳитда ишлатиладиган электр асбоб-ускуналарига нисбатан:

«t» — («ta», «tb», «tc») — қобик билан ҳимоялаш;
 «i» — («ia», «ib») — учқундан ҳимоя қилиш (электр занжирини учқундан ҳимояланиши);

«m» — («ma», «mb», «mc») — бирикма билан муҳрлаш;
 «p» — ортиқча босим остида қобикни тўлдириш ёки тозалаш;
 «s» — портлашдан ҳимоя қилишнинг махсус тури;

3) портловчи муҳитда фойдаланиш учун мўлжалланган электр бўлмаган асбоб-ускуналарга нисбатан:

«c» — конструкциявий хавфсизлик;
 «b» — алангаланиш манбасини бошқариш;
 «k» — суюқликка ботириш орқали ҳимоя қилиш;
 «d» — портлашдан ҳимояланган қобик билан ҳимоя қилиш;
 «fg» — газ ўтказувчанлиги чекланган қобик билан ҳимоя қилиш;
 «p» — юқори босимдан ҳимоя қилиш;

4) портлашдан ҳимоя қилишнинг бошқа турлари.

9. Асбоб-ускуналарни портлашдан ҳимоя қилувчи воситаларнинг турлари атрофдаги портлаш муҳити алангаланишнинг олдини олиш учун турли даражадаги портлашдан ҳимояланган ускуналарда назарда тутилган қуйидаги махсус чора-тадбирлар билан белгиланади:

портлашдан ўтказмайдиган қобик «d» — ускунани портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб, унинг қисмлари портлаш газ муҳитини алангалантириб, қобик ичидаги портлаш натижасида ҳосил бўлган босимни ушлаши натижасида атроф-муҳитга портлаш хавфи бўлган муҳит тарқалмаслигининг олдини олиш тури;

«t» ҳимоя қобиғи — портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб, унда ускуна қобик билан ҳимояланган бўлиб, чангнинг киришидан ва сирт ҳароратини чеклаш воситалари билан ҳимояланганлик тури;

кучайтирилган ҳимоя тури «e» — портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб,

рухсат этилган ҳароратнинг ошиб кетишига қўшимча чоралар қўрилиши, шунингдек нормал ёки белгиланган (фавқулодда) иш режимларида учқун пайдо бўлишига қарши қўшимча чоралар қўлланиладиган портлашдан ҳимоя қилиш тури;

учқунга хавфсиз (учқунга хавфсиз электр занжири) «i» — портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб, электр зарядланишини электр энергияси (қуввати) ва электр жиҳозлари элементларининг ҳароратини учқун ёки иссиқлик таъсиридан алангаланишни келтириб чиқарадиган даражадан пастроқ қийматга чеклаш тури;

«m» бирикма билан пломбалаш — портлашдан ҳимоя қилишнинг тури бўлиб, унда усқунанинг қисмларини ишлатиши ёки монтаж жараёнида портлаш хавфи бўлган муҳитни учқун ёки қизиши натижасида алангаланишига олиб келиши, пломбалаш орқали бартараф этиш тури;

«n» ҳимоя тури — портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб, электр қурилмаларини нормал ва белгиланган (фавқулодда) иш жараёнларида ишлашида атроф-муҳитда портлаш хавфи бўлган газ муҳитини олдини олиш учун қўшимча ҳимоя тури;

«o» қобикни мой билан тўлдириш — портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб, усқуна ёки унинг қисмини ҳимоя суюқлигига чўктирилиши натижасида, унинг суюқлик ичида ёки ташқарисида портлаш хавфи бўлган газ муҳитини алангаланиши олдини олиш тури;

ортиқча босим остида қобикни тўлдириш ёки тозалаш «p» — портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб, қобикни ёки хонани ташқи босимдан кўп бўлган миқдорда ҳимоя гази босими билан тўлдирилиши натижасида, ташқи муҳит таъсиридан ҳимоялаш тури;

қобикни кварц билан тўлдириш «q» — портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб, портлаш муҳитини алангаланишига олиб келиши мумкин бўлган қисмларни маълум бир ҳолатда ўрнатилади ва ташқи портлаш муҳитидан олдини оладиган қобик билан тўлиқ ўралган портлашдан ҳимоя қилиш тури;

портлашдан ҳимоя қилишнинг махсус тури «s» — портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб, ушбу банднинг иккинчи — ўнинчи хат бошларида назарда тутилган ҳимоя чораларидан фарқли, аммо баҳолаш ёки синов вақтларида портлашдан ҳимоя қилишни таъминлаш учун етарли деб тан олинган ҳимоя чораларига асосланган портлашдан ҳимоя қилиш тури;

конструктив хавфсизлик «c» — портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб, усқунанинг ҳаракатланувчи қисмларидан пайдо бўладиган адиабатик сиқилиш, учқун ва юзаларнинг қизиши натижасида портлаш хавфи бўлган муҳитнинг яратилишини олдини олишга қаратилган қўшимча чоралар тури;

алангаланиш манбаси назорати «b» — портлашдан ҳимоя қилишнинг бир тури бўлиб, қурилманинг электр бўлмаган қисмига ўрнатилиб, бу билан алангаланиш манбасини ва унга ўрнатилган хавфсизлик қурилмалар орқали, қурилма кўрсаткичларини назорат қилади ва автоматик ҳимоя воситаларини ёки сигнализаторларни ишга туширадиган тури;

суюқликка чўктириш орқали ҳимоя қилиш «k» — портлашдан ҳимоя

қилишнинг бир тури бўлиб, бунда алангаланиш салоҳияти хавфсиз ёки портлаш хавфи бўлган муҳитдан суюқликка тўлиқ ёки қисман чўктириш орқали ажратилган бўлиб, бунда хавфли сиртлар доимо ҳимоя суюқлиги билан шундай қопланган бўлиши керакки портлаш хавфи бўлган муҳит ҳимоя суюқлигидан юқори сатҳда ёки қобиқ ташқарисида жойлашган бўлиши натижасида алангаланиш олди олинган бўлиши лозим;

«fg» газ оқими ўтиши чекланган қобиқ билан ҳимоя қилиш — портлашдан ҳимоя қилиш тури бўлиб, бунда қобиқ ёрдамида портлаш хавфи бўлган муҳитга паст даражада портлаш хавфи камайтириш орқали чеклаш, бунинг натижасида қобиқдаги портлаш хавфи бўлган муҳитни алангаланиш чегарасидан ҳам паст даражада бўлиши.

V. Асбоб-ускуналарни ҳарорат синфлари бўйича таснифи

10. Энг юқори рухсат этилган сирт ҳароратига қараб II гуруҳ асбоб-ускуналари қуйидаги ҳарорат синфларига бўлинади:

- 1) T1 — 450 °C;
- 2) T2 — 300 °C;
- 3) T3 — 200 °C;
- 4) T4 — 135 °C;
- 5) T5 — 100 °C;
- 6) T6 — 85 °C.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 6 январдаги 2-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишловчи асбоб-ускуналарнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 24 ноябрдаги 941-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳа-сида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5594-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ–4058-сон қарори)» 2019 йил 6 мартдаги 195-сон қарорига илованинг 43-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

4 Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 28 февралдаги ПҚ–91-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналари хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар назарда тутувчи Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент (кейинги ўринларда — Техник регламент) 1-иловага мувофиқ;

Техник регламентнинг мақсади ва қўлланиш соҳаси;

муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарига (кейинги ўринларда — техника воситалари) қўйиладиган хавфсизлик талаблари;

техника воситаларини идентификация қилиш қоидалари, техника воситаларининг Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш;

техника воситаларини муомалага чиқариш қоидалари ҳамда мувофиқлик белгиси билан тамғалаш;

Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш;

Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни жорий этиш схемаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги икки ой муддатда мазкур Техник регламент талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда техника воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўладиган намуналарни олиш, синаш ва ўлчаш усуллари бўйича стандартлар рўйхатини белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур Техник регламентнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритилишини ташкил этсин.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Белгилансинки, Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент расмий эълон қилинган кундан эътиборан саккиз ой ўтгач амалга киритилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент амалга киритилган кундан эътиборан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 январь,
10-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 11 январдаги 10-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт
воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисида
ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Техник регламент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқароларнинг ҳаётини ёки соғлиғини муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асраш, харидорларни (истеъмолчиларни) чалғитадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш, ички ва ташқи бозорда техника воситасининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарига (кейинги ўринларда — техника воситаси) қўйиладиган хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Мазкур Техник регламентнинг 1-иловасидаги* рўйхатда келтирилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ва олиб кирилган (импорт қилинган) техника воситаларига ҳамда уларни сақлаш, ташиш ва тамғалаш жараёнларига, техника воситасининг хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган янги ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинган тизимлар, компонентлар ва алоҳида техник бирликларга (кейинги ўринларда — компонентлар) ҳам қўлланилади.

Хусусан, мазкур Техник регламент қўйидаги техника воситаларига нисбатан қўлланилади:

- а) тракторлар (Т ва С тоифалар);
- б) тиркамалар (R тоифа);
- в) алмашадиган тиркама машиналар (S тоифа);
- г) ўзиюрар, осма, ярим осма, тиркама ва ўрнатиладиган машиналар;
- д) боғдорчилик-узумчилик, полизчилик, сабзавотчилик, картошкачилик, резавор мева ва доривор ўсимликчилик ҳамда ўрмончиликда қўлланиладиган механизациялашган кичик механизация воситалари, шу жумладан, мотокультиватор, мотоўриш мосламаси, мотоарава ва электрлаштирилган механизация воситалари ва бошқалар;
- е) чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, пиллачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва озиқа тайёрлаш жараёнида қўлланиладиган машиналар;
- ж) уруғларни, ғаллани ёки дуккакли сабзавотларни тозалаш, саралаш ёки калибровка қилиш учун машиналар.

3. Ушбу Техник регламент умумий талаблар, шу жумладан, бошқа техник регламентлар билан тартибга солинадиган техника воситаларини ишлаб чиқариш, сотиш ва йўқ қилиш жараёнларига нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Ушбу Техник регламент кучга киргунга қадар Ўзбекистон Республика-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сида олдин фойдаланилган ва фойдаланишда бўлиб турган техника воситаларига мазкур Техник регламент талаблари тааллуқли эмас.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

5. Мазкур Техник регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

алмашадиган тиркама машиналар — қишлоқ ёки ўрмон хўжалигида ишлатиладиган трактор шатакка оладиган, ўзининг функцияларини ўзгартирадиган ёки тўлдирадиган, доимо қурилма билан жиҳозланган ёки материалларга ишлов бериш учун мўлжалланган, ушбу мақсадлар учун зарур бўлган ҳар қандай асбоб-ускуналар ва мосламаларни қабул қилиш, иш пайтида ишлаб чиқарилган ёки зарур бўлган материалларни вақтинча сақлаш учун мўлжалланган, лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган юк платформасини ўз ичига олиши мумкин бўлган ва техник жиҳатдан рухсат этилган максимал оғирликнинг юк билан ушбу транспорт воситасининг юксиз оғирлигига нисбати 3,0 дан кам бўлган транспорт воситалари;

алоҳида техник бирлик — ушбу Техник регламент ёки унга асосан қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этадиган ва техника воситасининг бир қисми бўлган ҳамда бир ёки бир нечта техника воситасининг турларига нисбатан алоҳида мувофиқлиги тасдиқланиши мумкин бўлган қурилма;

боғлаш схемаси — ташиш вақтида трактор ёки тиркамани транспорт воситасига юклаш ёки тушириш учун транспорт воситасини юк кўтарувчи қурилма билан боғлаш схемаси;

гибрид техника воситаси — техника воситасини ҳаракатга келтириш учун камида икки турдаги энергияни ўзгартириб берувчи ва икки турдаги энергияни сақлаш тизими билан жиҳозланган механик техника воситаси;

гибрид электр техника воситаси — механик ҳаракатланиш мақсадида йиғиб олинган иккала энергия/қувват (сарфланаётган ёнилғи, аккумулятор, конденсатор, маховик/генератор ёки бошқа электр энергиясини ёки қувватни сақлаш қурилмаси) манбаларидан энергия оладиган техника воситаси;

идентификация қилиш — мувофиқликни баҳолаш учун тақдим этилган техника воситасининг ушбу турдаги техника воситасига қўйиладиган талабларга (техник ҳужжатлар, техника восита тўғрисидаги маълумотларда) мувофиқлигини белгилувчи тартиб-таомил;

икки ёқилғили двигатель — бир вақтнинг ўзида дизель ва газсимон ёқилғида ишлашга мўлжалланган двигатель (бунда бир турдаги ёқилғининг бошқасига нисбатан ишлатиладиган миқдори двигательнинг иш режимига ва турига қараб фарқланиши мумкин);

импорт қилувчи — трактор, тиркама, машина ёки компонентларни етказиб берувчи хорижий ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан ташқи савдо битимини тузиб, ушбу техника воситасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарадиган ва унинг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

ишлаб чиқарувчи — трактор, тиркама, машина ёки компонентларни

ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ҳамда уларнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили — ишлаб чиқарувчи (чет эл ишлаб чиқарувчиси) билан тузилган шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида техника воситасининг мувофиқлигини баҳолаш ва муомалага чиқариш учун ишлаб чиқарувчи номидан ҳаракат қиладиган тadbиркорлик субъекти;

компонентлар — ушбу Техник регламент ва унга асосан қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари татбиқ қилинадиган техника воситасининг бир қисми бўлган ёки техника воситасидан мустақил равишда мувофиқлиги тасдиқланадиган қурилма;

қишлоқ ва ўрмон хўжалиги машиналари — қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида иш функцияларини бажарувчи машиналар;

соф электр техника воситаси — бир ёки бир нечта электр энергиясини тўплаш қурилмалари, бир ёки бир нечта электр энергиясини кондиционерлаш қурилмалари ва тўпланган электр энергиясини механик энергияга айлантирган ҳолда филдиракларга етказиб берадиган бир ёки бир нечта электр машиналаридан иборат тизим билан ҳаракатга келадиган техника воситаси;

тиркама — асосан трактор билан тортиш ва юкларни ташишга мўлжалланган ҳамда рухсат этилган максимал юкланган оғирликнинг ушбу воситани юксиз оғирлигига нисбати 3,0 га тенг ёки ундан ошадиган восита;

трактор — камида икки ўқли ва минимал тезлиги камида 6 км/соат бўлган, асосий функцияси тортишиш кучи бўлиб, маълум бир тақиб ечиладиган қурилмалар (машиналар)ни тортиш, итариш, ташиш ва ҳаракатга келтириш, тиркама ёки ускуналарни тортиб юриш учун мўлжалланган ва (ёки) бир ёки бир нечта йўловчи ўриндиклари билан жиҳозланган моторли, филдиракли ёки занжирли техника воситаси;

техника воситаси — иш функцияларини бажарадиган трактор, тиркама ва трактор ярим тиркамаси, ўзиюрар машина, машина ва ускуналар;

тормоз тизими — тормоз тизимининг бошқарув элементига таъсир қилганда, техника воситасини тормозлаш учун мўлжалланган қисмлар тўплами;

трактор (тиркама) тоифаси — хавфсизлик талабларида фойдаланиладиган трактор (тиркама)нинг тавсифи;

тизим — техника воситасида бир ёки бир нечта аниқ функцияларни бажариш учун бирлаштирилган ва ушбу Техник регламентга асосан қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган қурилмалар йиғиндиси;

тракторнинг максимал тезлиги — двигатель тирсақли валининг номинал айланишлар частотаси, трансмиссиянинг энг кичик узатишлар сони ва тиркама машиналарни шатакка олмаган ҳолатдаги кўрсаткичлар бўйича ҳисобланган тезлик;

тракторнинг жиҳозланган массаси — балласт юкларсиз, шу жумладан, ағдарилишдан ҳимоя қилиш мосламаси, двигателнинг совитиш тизими суюқлиги, мойлаш материаллари, ёқилғи (бак номинал ҳажми камида 90 фо-

изгача тўлдирилган), асбоблар ва ҳайдовчи массаси билан бирга тракторнинг иш ҳолатидаги массаси;

техник рухсат этилган тортиш массаси — ишлаб чиқарувчи томонидан трактор тортиб юриши белгиланган максимал масса;

техник рухсат этилган тракторнинг максимал массаси — шиналарнинг юк кўтариш қобилиятига, трактор элементларининг конструктив тавсифларига, белгиланган тавсиф ва хавфсизлик кўрсаткичларини таъминлаш қобилиятига қараб ва энг оғир бутланишида тракторнинг жиҳозланган массаси, юк балластининг номинал массаси ва номинал фойдали юкламани ўз ичига олган ҳолда, тракторнинг ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган максимал массаси;

тортиш-илиш механик боғлаш мосламаси (ТИМ) — трактор ва тиркамага ўрнатилган ва улар орасидаги механик уланишни таъминлайдиган улаш-боғлаш элементларидан иборат мослама;

тиркама шассиси — платформа, кузов ва бошқа шунга ўхшаш қурилмаларни, технологик қурилмаларни ва кўтариш (юклаш ва тушириш) қурилмаларини ўрнатиш учун мўлжалланган тиркаманинг таркибий қисми;

зарарли моддалар — ҳаво таркибидаги инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган аралашмалар, шу жумладан, углерод оксиди, азот диоксиди, азот оксиди, метан, тўйинган алифатик углеводород, формальдегид ва дисперс куйиш зарралари;

ўзи тўқувчи тиркама — юкни тўқишда платформанинг бир ёки икки томонга ва орқага ёки фақат орқага кўтарилиши ва қиялигини таъминлайдиган механизм билан жиҳозланган тиркама;

янги ишлаб чиқарилган техника — ушбу Техник регламент кучга киргандан кейин ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилганига уч йилдан ошмаган ҳамда фойдаланишда бўлмаган трактор, тиркама, машина ва компонентлар;

чиқит — ушбу Техник регламентнинг техник жиҳатдан тартибга солиш объектларида ўрнатилган ва ишлаётган двигателлардан атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли моддалар.

3-боб. Хавфсизлик талаблари

Умумий талаблар

6. Техника воситаси ушбу Техник регламент талабларига мувофиқ бўлса ҳамда мувофиқлиги тасдиқлашдан ўтгандан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилади.

7. Ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги тасдиқланмаган техника воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилишига йўл қўйилмайди.

8. Техника воситасида қўлланилаётган кондиционер таркибида Вазирлар Маҳкамасининг «Озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида» 2021 йил 11 июндаги

126-сон қарорининг 1-бандига мувофиқ озон қатламини бузувчи моддадан фойдаланиш тақиқланади.

9. Техника воситасини олдин фойдаланилган деталь ва қисмлардан ишлаб чиқариш таъқиқланади (шахсий фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган техника воситаси бундан мустасно).

Техника воситаларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

10. Техника воситаси ва ушбу техника воситаси учун лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган тизим, компонент ва алоҳида техник бирликларнинг функционал хавфсизлиги, техника воситасининг иш жойи билан боғлиқ хавфсизлик талаблари ва экологик кўрсаткичлари мазкур Техник регламентга 2-иловада келтирилган.

Ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш жараёнининг барқарорлигини таъминлаш ва ишлаб чиқарилган техника воситаси ёки унинг компонентларини мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

11. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги машиналарининг хавфсизлик талаблари мазкур Техник регламентга 3-иловада келтирилган.

Машинанинг ушбу Техник регламентга мувофиқлиги Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти, халқаро стандарт, давлатлараро стандарт ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган нормативларнинг хавфсизликка доир талабларини бевосита бажариш орқали таъминланади.

Ушбу стандартлар талабларини ихтиёрий равишда бажариш машинанинг мазкур Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини кўрсатади.

4-боб. Мувофиқликни баҳолаш учун идентификация қилиш, намуна олиш

12. Техника воситасининг мувофиқлигини сертификатлаштириш орқали тасдиқлаш учун мувофиқликни баҳолаш объекти бўлган техника воситасида синаш ва ўлчаш ишларини амалга ошириш мақсадида намуна олинади.

Техника воситаси намунасини танлаш, синаш ва ўлчаш ишларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти ёки халқаро стандартлар рўйхатига киритилган стандартлар ҳамда улар бўлмаганда минтақавий ёки хорижий мамлакатлар стандартларидан фойдаланилади.

Техника воситаси конструкцияси, таркиби ва ишлаб чиқариш технологияси бўйича танланган намуна истеъмолчи (сотиб олувчига) мўлжалланган техника воситаси билан бир хил бўлиши керак.

13. Намуна қўйидаги тартибда танланади:

туркум ишлаб чиқарилган техника воситаси учун — ишлаб чиқарувчининг тайёр техника воситаси омборида (ишлаб чиқарувчи томонидан ваколат берилган шахс), вақтинча сақлаш омбори, божхона омбори, юк ташиш воситаси сифимида ёки тайёр техника воситаси ишлаб чиқариш линиясида;

махсулот тўпи учун — ишлаб чиқарувчи тайёр техника воситаси омборида (ишлаб чиқарувчи томонидан ваколат берилган шахс), вақтинча сақлаш омбори, божхона омбори ёки сақлашга олган жавобгар омборида, юк ташиш воситаси сифмида ёки тайёр техника воситаси ишлаб чиқариш линиясида);

ягона буюм учун — техника воситаси бирлиги жойлашган жойда (ёки ариза берувчи томонидан тақдим этилади).

14. Техника воситасининг намунаси уни идентификация қилиш билан бир вақтда олинади. Бунинг ёрдамида техника воситаси тавсифи мазкур Техник регламентда ҳамда 22-бандда келтирилган ҳужжатларга кўра техника воситасини сўзсиз Техник регламентнинг техник тартибга солиш объекти сифатида нисбатлаш учун имкон берадиган техника воситаси ҳақидаги маълумотда келтирилган аломатлар билан бир хиллиги аниқланади.

Техника воситасининг намунаси ариза берувчи билан келишилган ҳолда, сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитациядан ўтган синов лабораторияси томонидан танланади.

15. Техника воситаси қўйидаги усуллардан бири ёки бир нечтаси қўлланган ҳолда идентификация қилинади:

а) ҳужжатлар бўйича идентификация қилиш (фойдаланиш ҳужжатлари ва (ёки) етказиб бериш шартномаларида келтирилган техника воситасининг тури, русуми ва техник тавсифи маълумотлари бўйича таққослаш);

б) визуал усулда (техника воситасининг ташқи кўринишини фойдаланиш ҳужжатларида келтирилган тавсиф бўйича таққослаш);

в) инструментал усулда (техника воситасининг ўлчамини ўлчаш ёки уни синовдан ўтказиш натижасида олинган маълумотларни фойдаланиш ҳужжатларида келтирилган техник тавсифлар бўйича таққослаш). Агар ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида келтирилган усулларни қўллаш орқали техника воситасини идентификация қилиш имкони бўлмаса, инструментал усулдан фойдаланилади.

16. Намунани идентификация қилишда:

сертификатлаштириш учун тақдим этилган техника воситасининг ушбу турдаги техника воситаларига қўйиладиган талабларга (техник ҳужжатлар, техник воситаси тўғрисидаги маълумотларга) мувофиқлиги;

техника воситаси тўпи ёки танлаб олинган намуна товар белгиси бўйича ишлаб чиқарувчининг техника воситасига тегишлилиги;

техника воситаси намунасидаги завод тартиб рақамининг аризада келтирилган рақамга мослиги аниқланади.

Шунингдек, идентификация жараёнида:

техника воситаси ушбу Техник регламентга мувофиқ тегишли техника воситаси турига тўғри ўтказилганлиги;

техника воситасини ушбу Техник регламент талабларига мувофиқ тамғаланганлиги;

техника воситасининг тўпи ва ишлаб чиқарувчига тааллуқлилиги текширилади.

Техника воситасининг тўпини идентификация қилиш жараёнида аризага илова қилинган ҳужжатларда келтирилган техника воситаси тўпининг ҳаж-

ми, русуми, ўраб жойлаш тури ва бошқа маълумотлар қўшимча текширилади.

Мувофиқликни баҳолашнинг умумий тартиби

17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилаётган техника воситалари мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш)дан ўтказилиши шарт.

Техника воситасининг мувофиқлиги ушбу бобда келтирилган талабларга кўра баҳоланади (тасдиқланади).

18. Ишлаб чиқарувчи томонидан мазкур Техник регламентга 2-илованинг 1-илоvasида келтирилган техника воситаларининг йиғма ишлаб чиқарилган намуналари ёки техника воситасини йиғма ишлаб чиқариш учун етказиб берилган компонентлар учун мувофиқликни баҳолаш ишлари ўтказилмаслиги мумкин.

Бунда ушбу компонентлар учун ишлаб чиқарувчида лабораторияларни аккредитация қилиш халқаро ташкилотига (ILAC MRA) аъзо давлатнинг аккредитация ташкилоти томонидан аккредитациядан ўтказилган синов лабораториясининг синаш ва ўлчаш баённомалари ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Гилдиракли транспорт воситалари, гилдиракли транспорт воситаларига ўрнатилиши ва (ёки) ишлатилиши мумкин бўлган асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар учун ягона техник қоидалар қабул қилиш тўғрисида ҳамда ушбу кўрсатмалар асосидаги расмий тасдиқлаш ҳужжатларини ўзаро тан олиш шартлари тўғрисида»ги битимига (Женева, 1958 йил 20 март) мувофиқ ишлаб чиқилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (кейинги ўринларда — БМТ) қоидаларига асосан расмийлаштирилган турини тасдиқлаш тўғрисидаги хабарномалар (кейинги ўринларда — хабарномалар) ёки мазкур Техник регламентнинг алоҳида талаблари бўйича мувофиқлик сертификати бўлиши керак.

Техника воситасини сертификатлаштириш синовлари мазкур Техник регламентга 2-илованинг 1-илоvasида келтирилган компонентларга аккредитациядан ўтган синов лабораторияси томонидан берилган синов баённомалари ёки турни тасдиқлаш хабарномалари ёхуд мувофиқлик сертификати мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Республикада Техник регламентга 2-илованинг 1-илоvasида келтирилган компонентларнинг синовларни амалга оширувчи аккредитациядан ўтган синов лабораториялари мавжуд бўлмаганда, мазкур талаблар асосида расмийлаштирилган турини тасдиқлаш хабарномалари эътироф этилади.

Техник воситаси тавсифига киритилган вариант ва версияларни (агар мавжуд бўлса) бирлаштирувчи бир турдаги техника воситаси учун битта мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади.

Ёруғлик чироқларининг турли функционал гуруҳлари учун битта мувофиқлик сертификати беришга рухсат этилади.

19. Олдин фойдаланилган ёки ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилган машина, шунингдек, машинани таъмирлашга (техник хизмат кўрсатиш) ишлатилган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларининг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлиги тасдиқланмайди.

20. Техника воситасининг мувофиқлиги сертификатлаштириш шаклида қўйидаги схемаларда тасдиқланади:

1С схема-туркум ишлаб чиқариладиган техника воситасини сертификатлаштиришда қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (унинг ваколатли вакили) ҳисобланади ҳамда сертификатланган техника воситасини мувофиқлик белгиси билан тамғаланишини таъминлайди;

2С схема — ишлаб чиқарувчида менежмент тизимларининг сертификати мавжуд бўлган ва туркум ишлаб чиқариладиган техника воситаси учун қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (унинг ваколатли вакили) ҳисобланади ҳамда сертификатланган техника воситасини мувофиқлик белгиси билан тамғаланишини таъминлайди;

3С схема — техника воситасининг тўпи учун қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (унинг ваколатли вакили) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади ҳамда сертификатланган техника воситасини мувофиқлик белгиси билан (импорт қилинган техника воситаси ариза берувчига қулай шаклда) тамғаланишини таъминлайди;

4С схема — ягона (битта) техника воситаси учун қўлланилади (мазкур Техник регламентда белгиланган синаш ва ўлчаш ишларини ўтказиш жараёнида техник воситасига путур етказмаган ҳолда). Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (унинг ваколатли вакили) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади.

21. Техника воситаси белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органи томонидан сертификатланади.

Техника воситасини сертификатлаштириш учун синаш ишлари аккредитациядан ўтган синов лабораториялари томонидан амалга оширилади.

22. Ариза берувчи техника воситасини сертификатлаштириш учун сертификатлаштириш органига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ариза беради.

Аризага қўйидаги келтирилган ҳужжатларни қўшимча сифатида илова қилиниши мумкин:

а) аккредитациядан ўтган синов лабораториялари томонидан мазкур Техник регламентга 2-иловининг 1-илоvasида келтирилган техника воситаларига индивидуал қўйиладиган талаблар бўйича берилган синов баённомалари. Ушбу синов баённомалари, шу жумладан, аввал бошқа мувофиқлик сертификати берилган баённомаларни қўйидаги шартлар билан тақдим этишга рухсат берилади:

тақдим этилган синов баённомаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳақиқий деб топилган бўлса;

синаш ишларини ўтказиш учун намунани танлаш ҳамда синаш бўйича синов баённомаси сертификатлаштириш органи томонидан тақдим қилинган бўлса;

синовдан ўтказилган намуна сертификатлаштириш учун эълон қилинган техника воситаларига хос бўлса;

техника воситаси ёки компонентлар конструкциясида уларнинг хавфсизлигига таъсир этувчи ўзгаришлар бўлмаса;

техника воситасини муомалага чиқариш жараёнида ишлаб чиқарувчининг мазкур Техник регламент талабларига риоя этиши бўйича республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан белгиланган талабларга риоя қилмаслик ҳолатлари мавжуд бўлмаса;

б) турни тасдиқлаш хабарномаси мавжуд бўлса. Ишлаб чиқарувчи (унинг ваколатли вакили) томонидан турни тасдиқлаш хабарномасининг қоғоздаги нусхасини тақдим этишга рухсат берилади. Бунда инглиз, француз ёки рус тилида ёзилган тасдиқловчи хабарномани ўзбек тилига таржима қилиш талаб этилмайди;

в) мазкур Техник регламент талабларидан алоҳида талабларга мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлса.

23. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидаги таржимаси билан тақдим этилиши шарт.

24. Техник воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш)да мазкур Техник регламентга 2-иловадаги хавфсизлик талабларини синовдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган синов лабораторияларидан фойдаланилади. Агар синаш имконияти мавжуд бўлмаганда БМТ қоидаларига асосан расмийлаштирилган хабарномалар қабул қилинади.

25. Сертификатлаштириш органи техника воситасини идентификация қилиш ва ҳужжатларнинг техника воситасининг мувофиқлигини тасдиқлаш учун яроқлилигини белгилаш ҳамда мувофиқлик сертификатини бериш учун асос бўлиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида 5 иш куни ичида ариза берувчи томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўплами, шу жумладан, техник ҳужжатлар кўриб чиқади ҳамда таҳлил қилади.

Сертификатлаштириш органи ариза берувчи томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги нуқтаи назардан кўриб чиқади ва таҳлил қилади:

аризанинг тўғри тўлдирилганлиги;

ариза билан бирга тақдим этилган ҳужжатлар тўпламида материаллар тўлиқ ва етарлилиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида» 2018 йил 12 февралдаги ПҚ-3526-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси қўшилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қоидаларида мазкур Техник регламентга 2-илованинг 1-иловасида келтирилган техника воситалари учун синов баённомалари ва турни тасдиқлаш хабарномаси далил сифатида тақдим этилса, сертификатлаштириш органи компонентларни идентификация қилгандан кейин ушбу банднинг «а», «б», «в» ва «г» кичик бандларида келтирилган тадбирларни ўтказмасдан, турни тасдиқлаш хабарномаси асосида ушбу банднинг «д» кичик бандига кўра мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради.

Мувофиқлик сертификатида сертификатлаштириш схемаси ўрнига «х» харфи кўрсатилади.

Сертификатлаштириш органи қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

а) етишмаётган далилларни олиш учун:

намунани танлайди ва мазкур Техник регламентнинг 3 ва 4-бобларида белгиланган талабларга ҳамда 22-бандда келтирилган ҳужжатларга мувофиқлигини белгилаш орқали техника воситасини идентификация қилади;

мазкур Техник регламентга мувофиқлигини тасдиқлаш учун техника воситасининг намунасини миллий аккредитация тизими реестрига киритилган синов лабораториясига юборади;

б) ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилади (1С-схема бўйича).

Қуйидагилар ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш учун текшириш объектлари ҳисобланади:

техник воситасининг техник (лойиҳавий ва (ёки) конструкторлик ва (ёки) технологик ва (ёки) фойдаланиш) ҳужжатлари;

муомалага чиқарилаётган техника воситасининг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлигига таъсир этувчи тадбирларни амалга оширувчи ходимнинг малакаси;

ишлаб чиқариш инфратузилмаси (ишлаб чиқарувчининг ҳудудида жойлашган ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган объектлар (бинолар, транспортлар ва бошқалар) мажмуаси);

дастгоҳлар (технологик жиҳозлар), шунингдек, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;

назорат, синаш ва ўлчаш ускуналарини бошқариш;

техника воситасининг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун зарур бўладиган ўлчаш воситалари;

сертификатланаётган техника воситасининг (хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар) хавфсизлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи сотиб олинган воситаларнинг назорати;

мазкур Техник регламентда белгиланган мажбурий талаблар бажарилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган тайёр техника воситасини қабул қилиш назорати ва даврий синовлар;

тайёр техника воситасини тамғалаш, сақлаш, қадоқлаш ва сақлаш шартлари;

истеъмомчи билан ўзаро ҳамкорлик (шу жумладан, ишлаб чиқарувчининг техника воситасига оид шикоятларни кўриб чиқиши);

тузатишлар киритиш ва олдиндан огоҳлантириш тадбирлари;

в) сертификатланаётган техника воситасини барқарор ишлаб чиқариш таъминлаш учун сертификатланган ишлаб чиқариш сифатини бошқариш тизимининг ёки компонентларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш қобилиятини мазкур Техник регламент талабларига жавоб беришини (2С-схема бўйича) баҳолайди;

г) мазкур банднинг «а», «б» ва «в» кичик бандларига ва танланган сертификатлаштириш схемасига мувофиқ амалга оширилган сертификатлаштириш ишлари натижаларини умумлаштиради;

д) ўтказилган таҳлилларнинг ижобий натижаларига кўра техника воситасига мувофиқлик сертификатини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштиради.

Мувофиқлик сертификати:

четдан келтирилган техника воситасига — техника воситанинг яроқлилик ёки кафолат муддатига;

битта ташқи савдо шартномаси доирасида четдан келтирилган техник воситасига — техника воситасининг ҳажми ёки сонини кўрсатган ҳолда шартноманинг амал қилиш муддатига, бироқ сертификат олинган санадан бошлаб уч календарь йилидан ошмаган муддатга;

туркум ишлаб чиқариладиган техника воситасига — уч йил муддатга расмийлаштирилади.

Бунда туркум ишлаб чиқариладиган техника воситаси учун расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиш даврида ишлаб чиқарилган техника воситаси сертификатланган деб ҳисобланади ҳамда қайта сертификатлаштирилмайди.

Мувофиқлик белгиси ва техника воситасига қўшиб юбориладиган ва эксплуатация ҳужжатларида қайд этиладиган ишлаб чиқариш санаси техника воситаси сертификатлаштирилганлигини тасдиқловчи асос бўлиб хизмат қилади.

Туркум ишлаб чиқариш учун расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати уни расмийлаштириш учун асос бўлган синов ва ўлчашдан ўтказиш мақсадида танлаб олинган намуналар ишлаб чиқарилган санадан бошлаб ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ҳам тааллуқлидир.

26. Ишлаб чиқарувчи (унинг ваколатли вакили) ёки сотувчи:

а) мазкур Техник регламентнинг 5-бобида назарда тутилган ҳолларда, техника воситасини ягона белги билан тамғаланган ҳолда бозорга чиқарилишини таъминлайди;

б) мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш жараёни тугагандан кейин техника воситаси учун қуйидагилардан иборат ҳужжатлар тўплами шакллантирилади:

мазкур Техник регламентнинг 22-бандида келтирилган ҳужжатлар, синов баённома(лар)и, турни тасдиқлаш хабарномалари ва мувофиқлик сертификатлари;

сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган ҳолларда ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш натижалари;

мувофиқлик сертификати.

27. Сертификатлаштирилган техника воситасини даврий баҳолаш (агар сертификатлаштириш схемасида (1С-схема бўйича) назарда тутилган бўлса) мувофиқлик сертификатини расмийлаштирган сертификатлаштириш органи томонидан сертификатнинг тўлиқ амал қилиш муддатида қуйидаги усуллардан бир ёки бир нечтаси қўллаган ҳолда амалга оширилади:

а) техника воситаси намунасини идентификация қилиш, синаш ва ўлчаш ишларини ўтказиш;

б) ишлаб чиқаришни баҳолаш.

Биринчи даврий баҳолаш техника воситаси сертификатлаштирилган санадан кейин ўн икки ойдан кечиктирилмасдан ўтказилади.

Кейинги даврий баҳолаш ҳар йили сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган даврий баҳолаш режа-жадвалига мувофиқ,

бирок аввалги даврий баҳолаш ўтказилган санадан бошлаб ўн икки ойдан кечиктирилмасдан ўтказилади.

28. Мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган техника воситасининг конструкциясига ёки ишлаб чиқариш технологиясига, техника воситасининг мувофиқлигига таъсир этиши мумкин бўлган ўзгартиришлар киритилганда, ариза берувчи ушбу техника воситасини муомалага чиқаришдан олдин мувофиқлик сертификатини расмийлаштирган сертификатлаштириш органига техника воситаси бўйича киритилган ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма равишда маълум қилади.

Сертификатлаштириш органи ариза берувчининг хабарномасини олган кундан бошлаб 10 иш куни ичида ўзгартиришлар киритилган техника воситаси намунаси бўйича синаш ва ўлчаш ишларини ўтказиш ёки ишлаб чиқаришни баҳолаш (сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган бўлса) зарурлиги тўғрисида ёхуд бунга эҳтиёж йўқлиги ҳақида қарор қабул қилади.

Сертификатлаштириш органининг қарори ариза берувчига бевосита ёки электрон почта орқали юборилади.

29. Агар сертификатлаштириш органи ўзгартиришлар киритилган техника воситаси намунасини ёки ишлаб чиқаришни баҳолаш учун синаш ва ўлчаш ишларини ўтказишга зарурат йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилса, ариза берувчи ушбу қарор ҳақидаги хабарномани олгандан кейин конструкцияси ёки ишлаб чиқариш технологиясига ўзгартириш киритилган техника воситасини муомалага чиқаришга рухсат этилади.

30. Агар сертификатлаштириш органи ўзгартиришлар киритилган техника воситасининг намунасида синаш ва ўлчаш ишларини ўтказиш ёки ишлаб чиқаришни баҳолаш (ишлаб чиқаришни баҳолаш сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган бўлса) зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилса, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун ариза берувчи билан сертификатлаштириш органи ўртасида шартнома тузилади.

Амалга оширилган тадбирлар натижаларига кўра сертификатлаштириш органи ўзгартиришлар киритилган техника воситаси мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарорлар ариза берувчига бевосита ёки электрон почта орқали юборилади.

Сертификатлаштириш органи ўзгартиришлар киритилган техника воситасининг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги қарорда ариза берувчини ушбу техника воситасини амалдаги мувофиқлик сертификати билан муомалага чиқариш мумкинлиги ёки бунинг акси бўлганда, мумкин эмаслиги ҳақида хабардор қилади.

Ариза берувчи белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этгунга қадар сертификатлаштириш органи томонидан амалдаги мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилади.

Ариза берувчи сертификатлаштириш органи қароридан норози бўлган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

31. Агар ариза берувчи камчиликларни белгиланган муддатда бартараф

этмаса, сертификатлаштириш органи техника воситасининг мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда ушбу қарор тўғрисидаги хабарномани ариза берувчига бевосита ёки электрон почта орқали етказди.

32. Сертификатлаштириш органи томонидан мазкур Техник регламентнинг 32 — 34-бандларида назарда тутилган тадбирлар натижалари асосида берилган ҳужжатлар далилий ашёлар тўпламига киритилади ҳамда ариза берувчи ушбу ҳужжатларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органларига (талабига биноан) ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларга тақдим этади.

33. Техника воситасини 1С ёки 2С схемалар бўйича сертификатлаштириш учун ариза берувчи сифатида қатнашган ва мувофиқликни баҳолаш ишлари тугагандан кейин техника воситаси учун тегишли ҳужжатлар тўпламига эга бўлган ишлаб чиқарувчи (унинг ваколатли вакили) мувофиқлик сертификатини берган сертификатлаштириш органига сертификатлаштиришнинг ижобий натижалари асосида мазкур Техник регламентга 2-илованинг 1-иловасида келтирилган компонентларга мувофиқлик сертификатини олиш бўйича муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Техника воситаси сотилгандан кейин унга хизмат кўрсатиш учун эҳтиёт қисмлар сифатида етказиб берилган компонентларга мувофиқлик сертификати техника воситасининг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш натижаларига кўра қуйидаги шартларда берилиши мумкин:

техника воситасини йиғиш усулида ишлаб чиқариш учун ҳамда техника воситаси сотилгандан кейин унга хизмат кўрсатиш учун етказиб берилган компонентларнинг бир хиллиги (техника воситасининг техник таърифида тегишли маълумотларни мавжудлиги);

ишлаб чиқарувчи (унинг ваколатли вакили) эҳтиёт қисмлар сифатида тақдим этган компонентлар тегишли техника воситасини йиғиш учун етказиб берилган ёки етказиб берилаётган компонентлар билан бир хил эканлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этганда.

Техника воситасини ишлаб чиқариш тўхтатилганда ва мос равишда мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тугаганда, ишлаб чиқарувчи (ёки ваколатли вакили) техника воситаси учун ўзи томонидан ишлаб чиқарилган ва эҳтиёт қисмлар сифатида етказиб берилган компонентларга мувофиқлик сертификатини олиш учун ариза бериши мумкин. Бунда яроқлилик муддати 5 йилдан кўп бўлмаган, туркум ишлаб чиқарилган компонентлар (компонентлар партияси (донабай маҳсулот) учун амал қилиш муддати белгиланмайди. Мувофиқлик сертификатида техника воситаси партиясининг ўзига хос хусусияти, идентификация рақами, жўнатиш ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар кўрсатилади.

Компонентларга мувофиқлик сертификати техника воситасининг божхона ҳудудида муомалага чиқариш муддати тугаши вақтида амалдаги талабларга мувофиқ сертификатлаштириш органининг компонентларни ишлаб чиқариш ҳолати таҳлилининг ижобий натижасига кўра берилиши мумкин.

34. Мазкур Техник регламентнинг 26-банди «б» кичик банди талабларига мувофиқ техника воситаси ёки компонентлар учун ҳужжатлар тўплами қуйидаги муддатда сақланиши керак:

туркум ишлаб чиқарилган техника воситаси ёки компонентлар учун — ушбу техника воситаси ёки компонентлар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган (ишлаб чиқариш тўхтатилган) санадан бошлаб камида ўн йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб чиқарувчида (ёки ваколатли вакилида);

техника воситаси ёки компонентлар тўплами учун — тўпلامдан охириги техника воситаси сотилган санадан бошлаб ўн йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб чиқарувчида (ёки ваколатли вакилида) ёки сотувчида.

5-боб. Мувофиқлик белгиси билан тамғалаш

35. Мазкур Техник регламентнинг 4-бобида келтирилган хавфсизлик талабларига жавоб берадиган ва мувофиқликни баҳолашдан ўтган техника воситаси мувофиқлик белгиси билан тамғаланиши керак.

36. Техника воситаси Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси билан бозорга муомалага чиқарилгунга қадар тамғаланади.

37. Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси техника воситасининг ҳар бир миқдорига ва унинг бутун ишлаш муддати давомида аниқ ва равшан тасвири таъминлайдиган усулда қўлланилади, шунингдек, техника воситасининг фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)сига ҳам киритилади.

Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси техника воситасининг ўзига нисбатан қўлланилади.

38. Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси билан тўғридан-тўғри ҳар бир компонент (техник жиҳатдан мумкин бўлса) ва қадок тамғаланади, шунингдек, унга илова қилинган фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да кўрсатилади.

39. Техника воситаси барча техник регламентлар талабларига мос бўлса, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси қўлланилиши назарда тутилса, ушбу техника воситаси мувофиқлик белгиси билан тамғаланади.

6-боб. Ўтиш даври

40. Мазкур Техник регламент кучга кирган кундан бошлаб муомалага чиқарилаётган техника воситаларининг хавфсизлиги бўйича амалдаги техник жиҳатдан тартибга солишга оид норматив ҳужжатларнинг ушбу Техник регламентга зид бўлмаган қисмлари қўлланилади.

Мазкур Техник регламент кучга киргунга қадар Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаш тизимида белгиланган қоидалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мажбурий мувофиқликни баҳолаш лозим бўлган техника воситаларига қўлланилади.

Техник регламент кучга киргунга қадар олинган мувофиқлик сертифи-

кати амалдаги техник регламентларда белгиланган муддат давомида амал қилади.

7-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати

41. Муомалага чиқарилаётган техника воситаларининг хавфсизлиги билан боғлиқ жараёнларнинг мазкур Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

42. Мазкур Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентга
2-ИЛОВА

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва ушбу транспорт воситалари учун лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган тизим, компонент ва алоҳида техник бирликларнинг хавфсизлик талаблари ва экологик кўрсаткичлари

1-боб. Функционал хавфсизлик талаблари

1. Ишлаб чиқарувчи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситаларини (кейинги ўринларда — техника воситаси) лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва монтаж қилиш жараёни техника воситасига хизмат кўрсатувчи ишчилар ва яқин атрофдаги бошқа шахсларнинг шикаст олиши хавфини истисно этиши лозим.

2. Ишлаб чиқарувчи техника воситалари, тизимлари, компонентлари ва алоҳида техник қисмларининг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлиги, шунингдек, қуйидагиларни таъминлаши керак:

- а) техника воситасининг конструктив бутунлиги;
- б) техника воситасини бошқаришни енгиллаштирадиган тизимлар, хусусан, бошқарув рули ва тормозлаш тизими, шунингдек, такомиллаштирилган тормоз ва барқарорлик назоратининг электрон тизимлари;
- в) ҳайдовчига кўрувчанлик даражаси, техник ҳолат ҳамда атроф-муҳит

тўғрисида ахборот бериш тизимлари, шу жумладан, ойна, кўзгу ва огоҳлантириш тизимлари;

г) техника воситасини ёритиш тизимлари;

д) техника воситасининг унда ишловчилар хавфсизлигини таъминлайдиган ички жиҳозланиши, шу жумладан бош қўйгич, хавфсизлик камари, эшиклар;

е) техника воситасининг ташқи кўриниши ва аксессуарлар;

ж) товушли ишора (сигнал) қурилмалари;

з) иситиш ва совитиш тизимлари;

и) рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш учун қурилмалар;

к) техника воситасини идентификациялаш тизимлари;

л) вазни ва габаритларининг техник тавсифларга мослиги;

м) электр хавфсизлик, шу жумладан, статик электр хавфсизлиги;

н) орқа ҳимоя конструкциялари;

о) ён ҳимоя;

п) юк ортиш-тушириш платформалари;

р) тортиш қурилмалари;

с) шиналар;

т) сачрашларни сўндирувчи тизимлар;

у) орқага юриш узатмаси;

ф) занжир юритмалар;

х) электромагнит мослашувчанлик;

ц) механик боғланишлар, шу жумладан, монтажда хатоликларнинг истисно этилиши.

Кабинасиз транспорт воситаларига ушбу банднинг «д» кичик бандидаги «эшик» жумласи ва «з» кичик бандлари тааллуқли эмас.

3. Мазкур бобда кўрсатилган Функционал хавфсизлик талабларининг 1 ва 2-бандлари талаблари техника воситасига, шунингдек, ушбу техника воситаси учун мўлжалланган тизим, компонент ва алоҳида техник қисмларга нисбатан қўлланилади.

4. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти Стандартлаштириш бўйича техник қўмита билан биргаликда функционал хавфсизликнинг юқори даражасига эришишни таъминлаш мақсадида ушбу Хавфсизлик талабларининг 2-бандида кўрсатиб ўтилган объектлар учун батафсил техник талаблар, шу жумладан қаерда қўлланилишига қараб синов усуллари ва чегара қийматлари тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу Хавфсизлик талаблари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда назарда тутилган функционал хавфсизлик даражасини сақлаб туриш ёки оширишни ҳамда қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) автомобиллар ва уларнинг тиркамалари каби тезлиги 40 km/h дан ортиқ бўлган техника воситаларининг тормозлаш самарадорлиги ҳамда тормозларнинг блокланишига қарши тизимлар (ABS) функционал хавфсизлик талабларига жавоб бериши;

б) қаттиқ йўл қопламаси юзасига шиналар ёки занжирлар томонидан энг юқори босим 0,8 МПа дан ошмаслиги лозим.

2-боб. Техника воситасининг иш жойи билан боғлиқ хавфсизлик талаблари

5. Ишлаб чиқарувчи техника воситасини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва монтаж қилишда техника воситасини иш жойида эксплуатация қилиш жараёнида унинг техник хавфсизлигини таъминлаши лозим.

6. Ишлаб чиқарувчи техника воситаси ҳамда унинг тизимлари, компонентлари ва алоҳида техник қисмларининг қуйидагилар билан жиҳозланишини таъминлаши керак:

- а) ағдарилиб кетганда ҳимояловчи конструкция (ROPS);
- б) юқоридан тушаётган предметлардан ҳимояловчи конструкция (FOPS);
- в) йўловчилар ўриндиқлари;
- г) ҳайдовчини шовқиндан ҳимояловчи конструкция;
- д) ҳайдовчи ўриндиғи;
- е) бўш ўриндиқ ва ҳайдовчи ўриндиғига киришда, жумладан, сирпаниш, қоқилиш ёки йиқилишдан ҳимоя;
- ж) қувват олиш тизими;
- з) узатма компонентларининг ҳимояси;
- и) хавфсизлик камарларини қотириш нуқталари;
- к) хавфсизлик камарлари;
- л) санчилувчи предметлардан ҳайдовчини ҳимоялаш конструкцияси (OPS);
- м) ҳайдовчини хавфли моддалар таъсиридан ҳимоялаш конструкцияси;
- н) деталь ва материалларнинг экстремал ташқи ҳарорат таъсиридан ҳимоялаш конструкцияси;
- о) фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома);
- п) назорат воситалари, шу жумладан, бошқариш, аварияга қарши ва автоматик тўхтатиш қурилмалари;
- р) механик таъсирлардан, мазкур банднинг «а», «б», «ж» ва «л» кичик бандларида кўрсатиб ўтилганлар бундан мустасно, шу жумладан дағал юзлар, ўткир қирралар ва бурчаклар, суюқликлар ўтадиган қувурларнинг ёрилиши ва техника воситасининг назоратсиз ҳаракатидан ҳимоялаш конструкциялари;
- с) техника воситасидан хавфсиз фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш, шу жумладан хавфсиз тозалаш тизимлари;
- т) тўсиқлар ва ҳимоя қурилмалари;
- у) ахборот узатиш, огоҳлантириш ва тамғалаш тизимлари;
- ф) материаллар ва маҳсулотлар;
- х) аккумуляторли батареялар.

Кабинасиз транспорт воситаларига ушбу банднинг «а», «б», «г» ва «л» кичик бандларида кўрсатиб ўтилган талаблар тааллуқли эмас.

7. Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситаси

талари, уларнинг тизим, компонент ва алоҳида техник бирликларига қўйилаётган хавфсизлик талаблари рўйхати 1-иловада келтирилган.

Мазкур Хавфсизлик талабларининг 5 ва 6-бандларида келтирилган талаблар Техник регламентнинг 1-иловасига мувофиқ техника воситаларига, шунингдек, ушбу техника воситаларининг тизимлари, компонентлари ва алоҳида техник қисмларига нисбатан қўлланилади.

8. Мазкур Хавфсизлик талаблари эргономика принципларини ҳисобга олган ҳолда (шу жумладан, йўл қўйиладиган нотўғри фойдаланиш, бошқарув тизимларининг қулайлиги, бошқарув элементларига рухсатсиз йўлатмаслик учун ҳайдовчини иш жойи, транспорт воситаси бўйича идентификация қилиш), Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда назарда тутилган барқарорлик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаши лозим.

3-боб. Экологик кўрсаткичлар

9. Ишлаб чиқарувчи лойиҳалаштирилган, ишлаб чиқарилган ва йиғилган техника воситасининг атроф-муҳитга салбий таъсирини энг паст даражага тушириши лозим.

10. Ишлаб чиқарувчи техника воситасини ҳамда унинг тизимлари, компонентлари ва алоҳида техник қисмларининг мазкур Техник регламентда зарарли моддалар ажратмалари ва ташқи шовқин даражасига қўйилган талабларга мувофиқлигини таъминлаши керак.

11. Трактор двигателларининг газлари таркибидаги зарарли моддалар ва чиқиндиларни атмосферага чиқариш даражасига қараб сиқилиш ҳисобига оловланадиган ички ёнув двигателли тракторлар ва ички ёнув двигателларининг таснифи ушбу Техник регламентга 4-иловада келтирилган.

12. Ташқи шовқиннинг аниқ чегараланган қийматлари қуйидаги даражалардан ошмаслиги керак:

иш ҳолатидаги юксиз массаси 1 500 kg дан юқори бўлган тракторлар учун — 89 dBa;

иш ҳолатидаги юксиз массаси 1 500 kg гача бўлган тракторлар учун — 85 dBa;

13. Мазкур Хавфсизлик талабларининг 9 ва 10-бандларида келтирилган талаблар Техник регламентнинг 1-иловасига мувофиқ техника воситасига, шунингдек, ушбу техника воситаси учун мўлжалланган тизимлар, компонентлар ва алоҳида техник қисмларга нисбатан қўлланилади.

4-боб. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги техника воситаси учун хавфсизлик талаблари

14. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги техника воситаси учун хавфсизлик талаблари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг филдиракли транспорт воситалари, уларда ўрнатилиши ва/ёки қўлланилиши мумкин бўлган жиҳозлаш предметлари ва қисмлари учун глобал техник қоидаларга (кейинги ўринларда — БМТ қоидалари) мувофиқ ишлаб чиқилган ва мазкур Хавфсизлик қоидаларининг 1-иловасида келтирилган.

15. Техника воситасининг тоифалари мазкур Хавфсизлик талабларига 2-иловада келтирилган.

16. Фойдаланишда бўлган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги техника воситаси учун эҳтиёт қисмлар сифатида муомалага чиқарилган компонентлар қишлоқ ва ўрмон хўжалиги техника воситасига ўрнатилганда, унинг хавфсизлик даражаси муомалага чиқарилган пайтдаги хавфсизлик даражасига нисбатан камайтирилмаслиги керак.

17. Ушбу Техник регламент талаблари кучга кирган кундан олдин муомалага чиқарилган ёки ушбу Техник регламент талаблари кучга кириши муносабати билан ишлаб чиқарилиши тўхтатилган тракторлар учун компонентлар сифатида ишлаб чиқарилган трактор двигателларига қўйиладиган талаблар, зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга ажратилиши даражаси бўйича бундай тракторлар муомалага чиқарилиши ёки ишлаб чиқарилиши тугаши пайтидаги амалда бўлган даражада ўзгаришсиз қолади.

18. БМТ қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги техника воситаси ва компонентлари учун хавфсизлик талаблари уларнинг қўлланилиш соҳасига мувофиқ ва БМТ қоидаларида белгиланган ўтиш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

19. Юқори чиқит ажратиш даражасидаги тракторлар ва двигателларга талабларни ушбу Техник регламент талабларида белгиланган муддатдан олдинроқ қўллашга, шунингдек, БМТ қоидаларига ушбу Техник регламент талабларида тасдиқланганидан кейин киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар талабларини қўллашга рухсат берилади.

Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентга
3-ИЛОВА

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги машиналарининг ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Хавфсизлик талаблари инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, мол-мулкни ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни, ҳайвонлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида машиналарни ишлаб чиқариш, ўрнатиш, ишга тушириш, ишла-тиш, сақлаш, ташиш, сотиш ва утилизация қилишда уларга қўйиладиган минимал хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Ушбу талабларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

авария — машиналарнинг бузилиши ёки шикастланиши, улардан фойдаланиш жараёнида назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавfli ва зарарли моддалар отилиб чиқишининг юзага келиши;

ишдан чиқиш — лойиҳалаштиришда конструктив бузилишлар, белгиланган ишлаб чиқариш ёки таъмирлаш жараёнига амал қилмаслик, фойдаланиш бўйича қоидалар ёки қўлланмани (йўриқномани) бажармаслик оқибатида машина ва (ёки) усқунанинг ишга яроқлилик ҳолатидаги бузилишлардан иборат бўлган ҳодиса;

ишлаб чиқувчи (лойиҳачи) — янги турдаги машиналарни яратувчи, тажриба намунасини ва тажриба намунаси учун техник ҳужжатларни ишлаб чиқувчи жисмоний ёки юридик шахслар;

қишлоқ хўжалиги машина-трактор агрегати — тиркама, ярим тиркама ёки ўрнатиладиган машина (ёки машиналар) билан кўчма энергетика воситаси билан бирикувни ифодалайдиган ва технологик қишлоқ хўжалиги операцияларини бажариш учун мўлжалланган мажмуа;

машина — камида бир қисми ёки битта узели тегишли юритмалар, бошқарув занжирлари ва энергия манбалари ёрдамида ҳаракатга келадиган, аниқ мақсадда қўллаш учун бирлаштирилган (материалларга ишлов бериш, уларни қайта ишлаш, кўчириш ёки қадоқлаш) ўзаро боғлиқ қисмлар ёки узеллар қатори;

машинадан мақсадли фойдаланиш — машинадан ишлаб чиқарувчи томонидан фойдаланиш ҳужжатларида белгиланган мақсадда фойдаланиш;

руҳсат этилган хавф — ишлаб чиқарувчининг техник-иқтисодий имкониятидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотнинг циклли жараёнини барча босқичларида таъминланиши лозим бўлган хавфсизлик даражасига мос машиналардан фойдаланиш давомида юзага келадиган хавфнинг қиймати;

тизим — талаб этилган функцияларни бажариш учун конструктив ва (ёки) функционал жиҳатдан бирлаштирилган машиналар мажмуи;

тизимни ишлаб чиқувчи (лойиҳачи) — машиналар тизимлари (ишлаб чиқариш жараёни билан ўзаро боғланган технологик линиялар) учун лойиҳа ҳужжатларини яратиш жараёнини амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахслар;

хавф — инсон ҳаёти ва соғлиғига, мол-мулкига, атроф-муҳитга, ҳайвон ва ўсимликлар ҳаёти ва соғлиғига етказилиши мумкин бўлган зарар манбаи;

хавфли ишдан чиқиш — оқибатлари инсон ҳаёти ёки соғлиғига, мол-мулкига, атроф-муҳитга, ҳайвон ва ўсимликлар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган машина ва (ёки) усқуналарнинг ишдан чиқиши;

хавфсизлик асосномаси — машиналарга циклли жараённинг барча босқичларида илова қилинадиган ва мукамал таъмирдан чиқарилиши, кейинги эксплуатация босқичида хавфни баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдириладиган хавф таҳлили, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш бўйича минимал зарур чоралар тўғрисидаги конструкторлик, эксплуатацион, технологик маълумотларини ўз ичига олган ҳужжат;

хавф-хатар — зарар етказиш эҳтимоли ва бу зарарнинг инсон ҳаёти ёки соғлиғи, мол-мулки, атроф-муҳит, ҳайвонлар ва ўсимликларга салбий оқибатлари бирикмаси;

чегаравий ҳолат — машинадан кейинчалик фойдаланиш имкони бўл-

маган ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган ёхуд уларнинг ишга яроқлилиқ ҳолатини қайта тиклаш имкони бўлмаган ҳолат.

2-боб. Ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) даврида машиналарнинг хавфсизлигини таъминлаш

3. Машинани ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) даврида цикли жараёнининг барча босқичларида мумкин бўлган хавфлар идентификация қилиниши керак.

4. Идентификация қилинган хавф турлари учун хавф тажриба ва экспертиза йўли билан ёки айнан шунга ўхшаш машиналардан фойдаланиш маълумотлари бўйича баҳолаш орқали ҳисобланиши керак.

5. Ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) даврида машина учун жоиз бўлган хавф аниқланиши ва белгиланиши керак. Бунда белгиланган хавфга мос келадиган хавфсизлик даражаси қўйидагилар билан таъминланади:

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг тўлиқлиги;

белгиланган тартибда текширилган усулларга асосланган зарур ҳисоб-китоблар ва синовларни амалга ошириш;

кўрсаткичлари ва фойдаланиш шароитларига боғлиқ ҳолда машиналарнинг алоҳида турларида ишлатиладиган материаллар ва моддаларни танлаш; ишлаб чиқувчи (лойиҳачи) томонидан чегаравий ҳолатларнинг мезонлари белгиланиши;

машинадан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ барча хавфларни аниқлаш; машинадан фойдаланишни чеклаш.

6. Агар баҳоланган хавф рухсат этилган чегарадан юқори бўлса, уни камайтириш учун машинанинг лойиҳаси ўзгартирилиши керак. Бунда машинанинг барча иш режимларига ходимларнинг аралашувига йўл қўйилмайди (фойдаланиш бўйича қўлланмада (йўриқномада) назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

7. Лойиҳани ўзгартириш орқали машинанинг рухсат этилган хавфни белгилайдиган техник тавсифларига эришиш имкони бўлмаса, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ келмаса, унда фойдаланиш бўйича қўлланмада (йўриқномада) ушбу машинадан фойдаланишни чеклайдиган чоралар ёки хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилиши зарурлиги тўғрисида огоҳлантирувчи маълумотлар кўрсатилади.

8. Машинани ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) даврида физик омиллар даражалари (шовқин, локал ва умумий вибрация, электромагнит майдонлар даражаси), шунингдек, ундан фойдаланиш вақтида хавфсизликни таъминловчи хавфли ва зарарли моддаларни чиқариш даражаси белгиланиши керак.

9. Ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) даврида машинанинг хавфсизлик асосномаси ишлаб чиқилиши керак.

Машинанинг хавфсизлик асосномасини асл нусхаси ишлаб чиқувчи (лойиҳачи)да, нусхалари машинани ишлаб чиқарувчида ҳамда машинани ишлатадиган ташкилотда сақланади.

10. Фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)ни ишлаб чиқиш маши-

нани ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш)нинг ажралмас қисми ҳисобланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

машинанинг конструкцияси, ишлаш принципи, тавсиф (хусусият)лари ҳақидаги маълумот;

машинани ўрнатиш ёки йиғиш, созлаш ёки ростлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича йўриқномалар;

машинани фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)лар ва машинадан фойдаланиш пайтида риоя этилиши шарт бўлган хавфсизлик талаблари, шу жумладан, ишга тушириш, мақсадли фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, барча турдаги таъмирлаш, даврий диагностика, синов, ташиш, қадоқлаш, консервация қилиш ва сақлаш шартлари;

хавфли ишдан чиқишлар рўйхати, ходимларнинг ҳодиса ёки аварияга олиб келиши мумкин бўлган хато ҳаракатлари;

машинанинг хавфли ишдан чиқиш, ҳодиса ёки авария ҳолатлари юз берганда, ходимларнинг ҳаракатлари;

чегаравий ҳолатлар мезонлари;

машинани фойдаланишдан чиқариш ва утилизация қилиш бўйича йўриқномалар;

хизмат кўрсатувчи ходимларнинг малакаси тўғрисида маълумот.

11. Агар машина профессионал бўлмаган фойдаланувчи томонидан ишлатишга мўлжалланган бўлса, фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да бундай фойдаланувчининг билими, кўникмаси ва тажрибаси ҳисобга олинishi керак.

3-боб. Ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, ишлатиш ва утилизация қилиш вақтида машиналарнинг хавфсизлигини таъминлаш

12. Машинани ишлаб чиқаришда унинг лойиҳалаштириш ҳужжатлари ва хавфсизлик талабларига мувофиқлиги таъминланиши керак.

13. Машинани ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарувчи лойиҳалаштириш ҳужжатлари билан белгиланган барча хавфсизлик талабларини бажариши керак, шунингдек, хавфсизлик билан боғлиқ бўлган барча технологик жараёнларнинг бажарилишини назорат қилиш имкониятини яратиши лозим.

14. Машинани ишлаб чиқаришда лойиҳалаштириш ҳужжатларида назарда тутилган синовлар ўтказилиши керак.

15. Машина мазкур Хавфсизлик талабларига мувофиқ лойиҳалаштириш ҳужжатлари билан белгиланган хавфсизлик талаблари қўлланиладиган технологик жараёнлар ва бошқарув тизимлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилиши лозим. Ишлаб чиқарувчи уни муомалага чиқаришдан олдин машинанинг хавф бўйича баҳоланишини амалга ошириши керак.

16. Машинани ишлаб чиқаришда лойиҳалаштириш ҳужжатларидан четга чиқишлар ишлаб чиқувчи (лойиҳачи) билан келишилган ҳолда бўлиши керак. Келишилган лойиҳа ҳужжатлари бўйича ишлаб чиқарилган машинадан фойдаланиш хавфи ишлаб чиқувчи (лойиҳачи) томонидан белгиланган рухсат этилган хавфдан юқори бўлмаслиги шарт.

17. Машинани ишлаб чиқарувчи машинани ишлатиш учун фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома) билан таъминлаши шарт.

18. Машинада хавф турлари тўғрисида аниқ ва ўчирилмайдиган огоҳлантириш хабарлари ёки белгилар бўлиши керак.

19. Машинада қуйидагиларни ўз ичига олган ва аниқ ўқиладиган ҳамда ўчирилмайдиган идентификация ёзуви бўлиши керак:

ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) савдо белгиси;

машинанинг номи (тури, маркаси, русуми (агар мавжуд бўлса)) белгиланиши;

ишлаб чиқарилган ой ва йил.

20. Ушбу Хавфсизлик талабларининг 19-бандида келтирилган маълумотларни машинага жойлаштириш имкони бўлмаса, у ҳолда улар ушбу машинага бириктирилган фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да кўрсатилади. Бу ҳолатда ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) унинг товар белгиси, машинанинг номи ва белгиланиши (тури, маркаси, русуми (агар мавжуд бўлса)) қадоқларда кўрсатилиши керак.

21. Мазкур Хавфсизлик талабларининг 19-бандида кўрсатилган маълумотлар фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да бўлиши керак. Бундан ташқари, фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да ишлаб чиқарувчининг номи (ёки унинг вакили), импорт қилувчи ҳамда улар билан боғланиш алоқаси тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

22. Фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома) давлат тилида ва бошқа тилларда тайёрланади. Фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома) қоғоз шаклида бўлади. Бунга электрон ташувчида тезкор ҳужжатлар тўплами илова қилиниши мумкин.

23. Машиналар учун ишлатиладиган қадоқлаш материаллари ва моддалари хавфсиз бўлиши керак.

24. Машиналар ҳамда уларнинг бўлинмалари ва қисмлари ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) ва фойдаланиш ҳужжатларида назарда тутилган хавфсизлик талабларига риоя қилинган ҳолда ташилади ва сақланади.

25. Машинага фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)нинг техник хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш дастурида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда техник хизмат кўрсатилади, таъмирланади ва текширилади.

26. Машинани таъмирлаш пайтида юзага келадиган конструктив ўзгаришлар ишлаб чиқувчи (лойиҳачи) билан келишилган ҳолда бўлиши керак.

27. Машина мукамал таъмирдан чиқарилгандан сўнг унда рухсат этилгандан юқори хавф бўлмаслиги учун хавф баҳоланиши керак. Агар зарурат бўлса, қабул қилинадиган хавф қийматларига эришиш учун техник ва ташкилий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

28. Лойиҳалаштириш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таъмирланган машина учун ташкилотда қабул қилинган технологик жараёнлар ва бошқарув тизимлари ҳисобга олинган ҳолда хавфсизлик асосномасида белгиланган хавф қийматларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

29. Фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да машинани хавфсиз ҳолатда утилизация қилиш бўйича тавсиялар белгиланиши лозим.

30. Машина фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да белгиланган ресурсга ёки белгиланган хизмат муддатига етгандан кейин, ундан бошқа мақсадда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиши керак.

4-боб. Машиналарга қўйиладиган асосий хавфсизлик талаблари

31. Ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган шароитлар ходимларни хавф остига қўймасдан машинани тартибга солиш ва унга техник хизмат кўрсатиш мумкин бўлиши керак.

32. Машинани ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) ва ишлаб чиқариш учун масъул бўлган шахслар:

хавфни бартараф этиши ёки камайтириши;

хавфдан ҳимоя қилиш учун чоралар кўриши;

ҳимоя чоралари ҳақида истеъморчиларни хабардор қилиши, махсус тайёргарлик талаб қилинганлигини кўрсатиши ва техник ҳимоя чораларига бўлган эҳтиёжни аниқлаши керак.

33. Машинани ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) ва ишлаб чиқариш жараёнида, шунингдек, фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)ни ишлаб чиқиш вақтида машинанинг ишлашида йўл қўйиладиган хавф ҳисобга олиниши керак.

34. Нотўғри ишлаш натижасида хавфнинг юзага келиши эҳтимоли бўлса, машинани лойиҳалаштиришда бундай хавфнинг олди олиниши керак. Агар бунинг имкони бўлмаса, фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да истеъморчи эътиборини ушбу ҳолатларга қаратиш керак.

35. Машинани ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) ва ишлаб чиқариш жараёнида эргономик тамойиллардан фойдаланган ҳолда ходимларга ноқулайликни ҳамда уларнинг чарчаши ва психологик зўриқишини энг паст даражасига тушириш керак.

36. Машинани ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) ва ишлаб чиқариш жараёнида шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишда оператор ҳаракатларига қўйилган чекловлар ҳисобга олиниши керак.

37. Машинадан техник хизмат кўрсатиш ва мўлжалланган вазифаси бўйича фойдаланилаётганда хавфсиз ишлаши учун улар зарур қурилма ва воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

38. Машинани ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган хомашё, материал ва моддалар инсон ҳаёти ёки соғлиғига, мол-мулкига, атроф-муҳитга, ҳайвонларга таҳдид солмаслиги керак. Суюқлик ва газлардан фойдаланиш билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиши керак.

39. Машинанинг хавфсиз ишлаши учун қўшимча ёритиш жиҳозлари билан таъминланган бўлиши керак. Тез-тез текшириш, созлаш ва техник хизмат кўрсатишни талаб қиладиган машинанинг ички қисмлари ва жойлари хавфсизликни таъминлаш учун ёритилган бўлиши керак. Машинани ишлат-

ганда сояли жойлар, халақит берувчи, кўзни қамаштирувчи ва нур хосил қилувчи майдонлар хосил бўлишига йўл қўймаслик керак.

40. Машина ёки унинг ҳар бир қисми хавфсиз ва бузилмасдан сақланиши, етарлича барқарорликка эга бўлиши учун қадоқланган бўлиши керак.

41. Агар машина ёки унинг турли қисмлари оғирлиги, катталиги ёки шакли уларни қўлда кўчириш имконини бермаса, машина ёки унинг ҳар бир қисми:

кўтариш учун қурилма билан жиҳозланган бўлиши;

стандарт кўтариш ускуналарини қўллаш мумкин бўлган конфигурация мавжуд бўлиши керак.

42. Агар машина ёки унинг бир қисми қўлда ҳаракатланадиган бўлса, унинг ҳаракатланиши енгил бўлиши ёки кўтариш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ишлаш вақтида зарур бўлган асбоблар, буюмлар ва бутловчи қисмларни хавфсиз жойлаштириш учун махсус жойлар билан таъминланиши лозим.

43. Барча белгиланган иш режимларида ва шароитларида назарда тутилган барча ташқи таъсирлар ҳолатида машинанинг бошқариш тизимларини ишлаш хавфсизлиги таъминланган бўлиши керак.

Бошқарув тизимларининг хатоликлари ва ходимлар томонидан назорат тадбирларининг бузилиши оқибатида хавfli вазиятлар юзага келишининг олди олиниши керак.

Иш режимини автоматик бошқариш воситалари ёки операцион режимнинг бузилиши оқибатида машинанинг бошқарув тизимларини хавfli вазиятга олиб келиши эҳтимоли бўлса, иш режимини назорат қилиш ва қузатишнинг мураккаблигига қараб, машина автоматик тўхтатиш воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

44. Машинани бошқариш тизимлари хавfli вазиятларга олиб келадиган машинанинг носозлиги тўғрисидаги огоҳлантирувчи воситаларни ва бошқа воситаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Машинанинг носозлиги тўғрисидаги огоҳлантирувчи воситалар хатосиз, ишончли ва ходимлар томонидан тезкор қабул қилинадиган бўлиши керак.

45. Машинанинг бошқарув элементлари:

осон фойдаланиладиган ва ажралиб турадиган, машинани ишлатишга алоқадор ёзувли белгилар жойлаштирилган ёки бошқа усул билан ифодаланган;

мустаҳкам, ишончли ва аниқ манипуляцияси таъминладиган тарзда ишлаб чиқилган ва жойлаштирилган;

кўчириш учун зарур бўлган ҳаракат, ишлатиш кетма-кетлиги, частотаси ва функцияларнинг аҳамиятига кўра жойлаштирилган;

шакли ва катталиги, ушлаш (бармоқлар, чўтка) ёки босиш (қўл бармоғи, кафт, оёқ) услубига мос келадиган қилиб ясалган бўлиши керак.

Бошқарув элементлари хавfli зонадан ёки назоратдан ташқарида жойлашган бўлса, функционал мақсадли хавfli ҳудудда ходимлар бўлишини талаб қилади ва қўшимча хавфсизлик чоралари кўрилади.

46. Агар бир назорат органининг бошқарилишида бир неча хил ҳаракат-

лар назарда тутилган бўлса, бажарилган ҳаракат назорат воситалари томонидан кўрсатилиши ва текширилиши керак.

47. Машинани ишга тушириш, шунингдек, тўхтатилгандан кейин қайта ишга тушириш (тўхташ сабабидан қатъи назар) фақат бошқарувни бошлаш назорати томонидан амалга оширилиши керак. Агар тўхтатилгандан кейин қайта ишга тушириш ушбу режимда назарда тутилган бўлса, ушбу талаб автоматик режимда ишлайдиган ишлаб чиқариш ускуналарини қайта ишга туширишга тааллуқли эмас.

Агар машина тизимида тизимни ёки унинг алоҳида қисмларини ишга туширувчи бир нечта бошқарув аппарати мавжуд бўлса ва улардан фойдаланиш кетма-кетлигининг бузилиши натижасида хавфли вазиятларни юзага келиши эҳтимоли бўлса, машина бошқаруви бузилишининг олдини олувчи қурилмалар ўрнатилиши керак.

48. Машинанинг ҳар бир тизимида бошқариш воситаси ўрнатилган бўлиши керак, унинг ёрдамида тўлиқ хавфсиз тарзда тўхташ мумкин. Машинани тўхтатиш тизими ишни бошлаш тизимидан ажралган ҳолда яққол кўринишга эга бўлиши зарур.

Машина тўхтатилгандан сўнг, агар энергия манбаларининг узилиши хавфли ҳолатга олиб келмаса, машинанинг қўзғалиш қисмларидан энергия манбаи узилиши керак. Машинанинг назорат тизимлари (қўлда бошқариладиган кўчма машиналар бундан мустасно) фавқулодда тормоз ва фавқулодда тўхташ (ўчириш) воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак, агар бу тизимлардан фойдаланиш хавфни камайтириши ёки олдини олиши мумкин бўлса.

49. Фавқулодда тўхташ назорати тугмаси:

аниқ идентификация қилинадиган ва осонлик билан кириш имконига эга бўлиши;

машинани хавф туғдирмасдан тезда тўхтатиши;

у фаоллаштирилгандан сўнг фойдаланувчи томонидан асл ҳолатга қайтарилгунга қадар тўхташ жойига тўғри келадиган ҳолатда бўлиши;

машинани ишга туширмасдан асл ҳолатига қайтариши;

ранги қизил бўлиши ва бошқа бошқарув тугмаларидан шакли ва ҳажми жиҳатдан фарқ қилиши лозим.

50. Машина тизимини назорат қилишда тизим қисмларининг биргаликда ишлаши натижасида бир қисми ишдан чиққан тақдирда, хавф юзага келишининг олдини олиши керак.

Машина тизимини бошқаришда зарурат бўлганда, ходимларга тизимнинг бошланишини тўсиб қўйиш, шунингдек, уни тўхтатиш имконини бериши керак.

51. Машина тизимининг бошқарув панели ходимга хавфли ҳудудларда ходимлар ёки бошқа шахслар йўқлигини кузатиш имконини бериши керак. Ходимлар ёки бошқа шахслар хавфли ҳудудда бўлганда, машина тизимининг ишлашини назорат қилиши керак. Машинани ишга туширишдан олдин огоҳлантириш сигнали берилиши керак, унинг давомийлиги хавфли ҳудуддаги шахсларга ҳудудни тарк этиш ёки тизимни ишга туширишнинг олдини олиш имконини беради.

Машина тизимининг бошқарув панели тизимнинг бирор-бир қисмини ишлашини бузилиши ҳақидаги ахборотни акс эттириш воситаси, шунингдек, тизимнинг фавқулодда тўхташи (ўчирилиши) ва (ёки) унинг алоҳида қисмлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

52. Агар машинани бошқаришда иш режими калити мавжуд бўлса, унинг ҳар бир позицияси фақат битта иш режимига мос келиши ва хавфсиз тарзда ўрнатилиши керак.

53. Агар машинанинг муайян иш режимида ходимни ҳимоя қилиш талаб этилса, унда қуйидаги режимларни ишлатиш керак:

автоматик бошқарувни блокировка қилиш қобилияти;

тизимли элементларнинг ҳаракатини бошқаришда доимий равишда куч ишлатиш билан;

агар уларнинг ишлаши ходимга хавф туғдириши мумкин бўлган тақдирда, машинанинг ишлашини тўхтатиш;

танланган режимни амалга оширишда иштирок этмайдиган машина қисмларининг ишлашини истисно қилиш;

танланган режимни амалга оширишда иштирок этувчи машина қисмларининг ҳаракат тезлигини камайтириш.

54. Танланган назорат режими бошқа барча назорат режимларидан устун туриши керак, фавқулодда тўхташ бундан мустасно.

55. Электр таъминотининг тўлиқ ёки қисман узилиши ва кейинчалик уни қайта тиклаш, шунингдек, электр таъминотини бошқариш схемасининг шикастланиши хавфли ҳолатларга, шу жумладан:

электр таъминотини тиклаш вақтида машинанинг ўз-ўзидан ишга тушишига;

анча олдин берилган тўхташ буйруғини бажарилмаслигига;

машинанинг ҳаракатлантирувчи қисмларини ва (ёки) жиҳоз ва мосламаларни, иш қисмларини, уларга бириктирилган асбобларни тушириш ва улоқтиришга;

ҳимоя воситаларининг самарадорлигини камайтиришга олиб келмаслиги керак.

56. Машинанинг назорат схемасидаги бузилиш (носозлик ёки шикастланиш) хавфли вазиятларга, шу жумладан:

электр таъминотини тиклаш вақтида машинанинг ўз-ўзидан ишга тушишига;

анча олдин берилган тўхташ буйруғини бажарилмаслигига;

машинанинг ҳаракатлантирувчи қисмларини ва (ёки) жиҳоз ва мосламаларни, иш қисмларини, уларга бириктирилган асбобларни тушириш ва улоқтиришга;

ҳимоя воситаларининг самарадорлигини камайтиришга олиб келмаслиги керак.

57. Машина мўлжалланган иш шароитида барқарор бўлиши, уни кутилмаганда афдарилиш, қулаш ёки ҳаракатланиш хавфсиз ишлаши таъминланиши керак.

Фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да тегишли қотиришлардан фойдаланишни кўрсатиш керак.

58. Машинанинг қисмлари ва уларнинг уланишлари иш жараёнида уларга таъсир қиладиган куч ва кучланишларга чидамли бўлиши керак.

Амалдаги жиҳозларнинг чидамлилиги мўлжалланган операцияга мос келиши керак. Эскириш, коррозия ва емирилиш ҳодисалари билан боғлиқ хавф юзага келиши ҳисобга олиниши лозим.

59. Машинанинг ишлаши учун фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да хавфсизликни таъминлайдиган мониторинг, техника тури ва частотаси кўрсатилиши керак. Зарур ҳолларда, эскириши лозим бўлган қисмлар ва уларни алмаштириш мезонлари кўрсатилиши лозим.

60. Агар кўрилган чораларга қарамасдан, машинанинг емирилиш хавфи сақланиб қолса, ҳимоя тўсиқлари шундай ўрнатилиши керакки, машинанинг қисмлари ёки таркибий қисмлари йўқ қилинганда, уларнинг бўлаклари бир-биридан ажралиб кетмаслиги керак.

61. Қувурлар белгиланган юқларга бардошли, хавфсиз ва ташқи механик таъсирлардан ҳимояланган бўлиши керак.

Қувурлар ва юқори босимли қувурларга зарар етказилганда ёки бузилганда, уларнинг тўсатдан ҳаракатланиши каби хавфли оқибатларга қарши ҳимоя чоралари кўрилиши керак.

62. Машинадан ташланаётган буюмлар, уларнинг бўлаклари ва чиқиндиларидан юзага келиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

63. Машинанинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ва унинг вазифаларини бажаришга технологик жиҳатдан алоқаси бўлмаган қирралари ўткир бурчаклар ва қўпол сиртларга эга бўлмаслиги керак.

64. Агар машина ҳар бир жараён орасида қайта ишланаётган объектнинг қўл ҳаракати билан бир неча хил жараёнларни бажаришга мўлжалланган бўлса, ҳар бир функционал элементдан ходим учун хавф туғдирувчи бошқа элементлардан алоҳида фойдаланиш мумкин бўлиши керак.

65. Агар машина турли режим ва тезликда ишлашга мўлжалланган бўлса, бу режимлар хавфсиз, ишончли танланиши ва созланиши керак.

66. Машинанинг ҳаракатлантирувчи қисмлари шикастланиш эҳтимоли бўлмаган ҳолда жойлаштирилиши керак. Агар хавф давом этса, огоҳлантириш белгилари ва (ёки) ёзувлари ишлатилиши керак.

67. Машинани ҳаракатлантирувчи қисмларни тасодифий тўсиб қўйишнинг олдини олиш чоралари кўрилиши керак. Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, қулфни очиш зарурати бўлса, уни хавфсиз очиш учун махсус воситалар бўлиши керак. Қулфни очиш тартиби ва усуллари фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да кўрсатилиши лозим.

68. Машинанинг ҳаракатланаётган қисмларидан келиб чиқадиган хавфдан ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган ҳимоя ва хавфсизлик қурилмалари хавф таҳлили асосида танланиши лозим.

69. Ҳимоя ва хавфсизлик қурилмалари:
мустаҳкам ва барқарор тузилишга эга бўлиши;

хавфсиз бўлиши;
хавфли ҳудуддан тегишли узоқликдаги масофада жойлашган бўлиши;
хавфли ҳудудларда ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилишга халақит қилмаслиги;

асбобларни созлаш ва (ёки) алмаштириш, шунингдек, машинага техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришга имкон бериши керак.

70. Рухсат этилган ҳимоя тўсиқлари билан чегараланган майдонга фақат асбоблардан фойдаланган ҳолда кирилади.

71. Ҳаракатланувчи ҳимоя тўсиқлари:
агар имкони бўлса очиқ ҳолатда, машинага бириктирилган бўлиши;
ҳимоя тўсиқлари очиқ бўлган ҳолда машина ёки ускуналарнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи блокировка қурилмаларига эга бўлиши керак.

72. Ҳаракатланувчи ҳимоя тўсиқлари ва ҳимоя қурилмалари машинанинг бошқарув тизимига мўлжалланган (лойиҳалаштирилган) ва ўрнатилган бўлиши керак:

машинани ҳаракатланувчи қисмлари ходимлар бўлган пайтда фаоллаштирилмаслиги керак;

улар фақат асбоблар ёрдамида ўрнатилиши мумкин;
ушбу қурилмаларнинг таркибий қисмларидан бирининг йўқлиги ёки ишдан чиқиши ҳаракатланувчи қисмларни ишга тушириш ёки тўхтатишга тўсқинлик қилади;

чиқарилган қисмлардан ҳимоя тегишли тўсиқ яратиш билан амалга оширилади.

73. Машинанинг ҳаракатланувчи қисмлари иш учун зарур бўлган жойларга киришни чекловчи қурилмалар:

улар қўлда ёки автоматик равишда ўрнатилиши мумкин (улар иштирок этадиган иш турига қараб);

тегишли асбоблар;
жиҳоз қисмларидан келиб чиқадиган хавфи чекланади.

74. Ҳимоя воситалари машинани бошқариш тизимларига қўйидагича уланиши керак:

ҳаракатланувчи қисмлар оператор бўлганда фаоллаштирилмайди;
ишчилар ва машинанинг ҳаракатланувчи қисми ўртасида етарлича масофа бўлиши керак;

ҳимоя воситаларининг таркибий қисмларидан бирининг йўқлиги ёки ишламаслиги ҳаракатланувчи қисмларни ишга тушириш ёки тўхтатиш имконини бермаслиги керак.

75. Ҳимоя воситалари фақат асбоблардан фойдаланган ҳолда ўрнатилиши (олиб ташланиши) керак.

76. Агар машина электр энергиясида ишласа, ҳимоя воситалари электр токи уриши хавфини истисно қилган ҳолда лойиҳалаштирилиши, ишлаб чиқарилиши ва ўрнатилиши керак.

77. Агар машинада электр энергиясидан фойдаланилмаса (гидравлик, пневматик, иссиқлик энергияси), ҳимоя воситалари ушбу турдаги энергия

билан боғлиқ ҳар қандай хавфнинг олдини олиш учун мўлжалланган ва ишлаб чиқарилган бўлиши керак.

78. Хавф манбаи бўлиши мумкин бўлган машинани йиғишдаги хатолар бартараф этилиши керак. Агар бунинг имкони бўлмаса, огоҳлантирувчи белгилар машинага тўғридан-тўғри жойлаштирилиши керак. Машинани қайта йиғиш пайтида юзага келиши мумкин бўлган хатолар ҳақида маълумот фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да кўрсатилиши керак.

79. Суюқлик ва газларнинг аралашishi ва (ёки) монтаж вақтида электр ўтказгичларнинг нотўғри уланиши натижасида келиб чиқадиган хавфни истисно қилиш керак. Агар бунинг имкони бўлмаса, у ҳақдаги маълумотлар қувурлар, кабеллар ва (ёки) улаш блокларида кўрсатилиши керак.

80. Машина қисмларини юқори ёки паст ҳароратга эга бўлган моддаларга тегиши ёки яқинлиги натижасида юзага келадиган хавфни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак.

Машинадан юқори ёки паст ҳароратга эга бўлган ишчи ва сарфланган моддаларнинг чиқариб юбориш хавфи баҳоланиши керак, агар хавф юзага келса, уни камайтириш чоралари кўрилиши лозим.

Металл тутқичлар ва машинанинг металл юзалари иссиқликни изоляцияловчи материал билан қопланган бўлиши керак. Терининг очиқ металл юзалари билан алоқада бўладиган жойларда ҳарорат қабул қилинадиган қийматлар чегарасида бўлиши керак.

81. Машина ишлаб чиқарган газ, суюқлик, чанг, буғ ёки бошқа моддалар оқибатида бевосита ёнғин ёки қизиб кетиш хавфи бўлмаслиги учун химоя воситалари ишлаб чиқилган (лойиҳалаштирилган) бўлиши керак.

Машина ишлаб чиқарган газ, суюқлик, чанг, буғ ёки бошқа моддаларда оқибатида портлаш хавфи юзага келмаслиги учун химоя воситаларини ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш)да:

портловчи моддаларнинг хавфли концентрацияларидан сақлаши;

портловчи моддалар концентрациясининг узлуксиз автоматик мониторингини сақлаб туриши;

портлаши мумкин бўлган хавфларнинг олдини олиши;

портлаш оқибатларини камайтириш чоралари кўрилиши лозим.

82. Машинани ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш) жараёнида рухсат этилган параметрлардан ошмайдиган шовқин параметрлари билан таъминланишига эътибор қаратиш лозим.

83. Фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да машинанинг ишлаш жараёнида юзага келадиган шовқиннинг ноаниқлик параметрлари кўрсатилиши керак.

84. Машинани ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш)да ходимларга тебранишларнинг таъсири рухсат этилган параметрларда бўлиши керак.

85. Қўлда ишлайдиган ва бошқариладиган машиналар, шунингдек, иш жойи билан жиҳозланган машиналар учун фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да ходимга таъсир қилувчи тузатилган тебранишлар тезланишининг тўлиқ ўртача илдиз квадрат қиймати ва бу қийматни баҳолаш учун ноаниқлик параметрлари кўрсатилиши керак.

86. Машинани лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш даврида ионлаштирувчи нурланиш хавфини туғдирмаслигига эътибор қаратиш керак.

87. Лазер ускуналаридан фойдаланилганда:
тасодифий нурланишнинг олдини олиш;
туғридан-туғри, акс эттирилган, сочилган ва иккиламчи нурланишдан ҳимояланиш;

лазер ускуналарини кузатиш ёки созлаш даврида оптик ускуналардан хавф йўқлигини таъминлаш.

88. Машинани ишлаб чиқиш (лойиҳалаштириш)да ходимни ионлаштирувчи нурланишнинг салбий таъсиридан, статик электр, доимий магнит майдонларидан, саноат частотасининг электромагнит майдонларидан, радио частота ва оптик диапазонларнинг электромагнит нурланишидан ҳимоя қилиш чоралари кўрилиши керак.

89. Машинадан иш вақтида чиқариладиган газлар, суюқлик, чанг, буғ ва бошқа чиқиндилар инсон ҳаёти ва соғлиғи ҳамда атроф-муҳит учун хавф манбаи бўлмаслиги керак.

Бундай хавф мавжуд бўлганда, машина ушбу моддаларни йиғиш ва (ёки) тарқатиш учун қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши ҳамда қурилмалар хавф ажралиб чиқиш манбаига имкон қадар яқин жойлаштирилиши керак. Шунингдек, чиқиндиларни доимий автоматик кузатиш учун машинада қурилмалар бўлиши лозим.

90. Машина кузов ичида ходим қамалиб қолишининг олдини оладиган воситалар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Агар бунинг иложи бўлмаса, ёрдам чақириш учун сигнализация мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

91. Ходим жойлашиши мумкин бўлган машина қисмларида ходимнинг сирпаниб кетиши, йиқилиб тушиши ёки бир-бирининг устига қулаб кетишининг олди олинган бўлиши керак.

92. Машинага техник хизмат кўрсатиш жойлари хавфли ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлиши ва техник хизмат машина тўхтатилгандан кейин кўрсатилиши керак. Агар техник сабабларга кўра ушбу шартлар бажарилмаса, техник хизмат кўрсатиш хавфсизлиги таъминланиши керак.

93. Хатоларни аниқлаш учун машинага диагностик ускуналар ўрнатилиши керак.

Тез-тез алмаштириш талаб этадиган машина тез ва хавфсиз равишда алмаштириш имконияти билан таъминланиши керак (айниқса, уларни ишлаш пайтида алмаштириш зарур бўлса ёки ўзи билан хавф келтириб чиқарадиган емирилиш ёки эскириш кузатилса). Фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома)да ушбу тадбирларни асбоблар ва ўлчаш асбоблари ёрдамида хавфсиз бажариш учун тавсиялар берилиши керак.

94. Иш жойига ҳамда техник хизмат кўрсатиш ҳудудларига хавфсиз кириш учун зарур воситалар (зинапоялар, ўтиш жойлари ва бошқалар) бўлишини таъминлаш керак.

95. Машина идентификация қилиш имконини берадиган ранг ва ўлчамлар билан аниқланадиган барча энергия манбаларидан узиб қўйиш восита-

лари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Агар улар хавфли ҳудуддаги шахсларга хавф туғдирса, уларни блокировка қилиш имкони яратилиши керак.

Агар ходим кириш имконига эга бўлган ҳар қандай жойда турган бўлса, электр таъминоти узилганлигини текшира олмаса, электр таъминотини ўчириш воситаларини блокировка қилиш керак.

Электр таъминоти ўчирилгандан кейин машинанинг микросхемаларида сақланаётган ҳар қандай энергияни бемалол чиқариб юбориш (тарқатиш)ни таъминлаш зарур. Зарур ҳолларда, айрим микросхемалар ахборотни муҳофаза қилиш, фавқулодда ёритиш учун электр манбаларига уланиб қолиши мумкин. Бундай ҳолда ходим хавфсизлиги таъминланиши керак.

96. Машина ходим аралашувига бўлган эҳтиёж чекланган ҳолда ишлаб чиқилиши (лойиҳалаштирилиши) керак. Агар ходимнинг аралашувисиз амалга ошириб бўлмаса, унда ходимнинг хавфсизлиги таъминланиши керак.

97. Машинага кирмасдан хавфли элементларни ўз ичига олган ички қисмларни хавфсиз тозалаш ҳамда ташқаридан бошқариш имкониятини яратиш лозим.

98. Машинани ишлатиш бўйича маълумотлар ходим томонидан аниқ тушунарли бўлиши керак. Машинадан ишлатиш вақтида ходимга қўшимча юклама бўлмаслиги учун ортикча маълумотлар жойлаштирилмаслиги керак.

99. Агар ходим носозликлар туфайли хавф остида қоладиган бўлса, машина огоҳлантирувчи акустик ёки ёруғлик сигнали берувчи қурилмалар билан жиҳозланиши керак.

Машинанинг огоҳлантирувчи қурилмалари томонидан берилган сигналлар бирма-бир қабул қилиниши керак. Ходим огоҳлантириш қурилмаларининг ишлашини текшириш имконига эга бўлиши лозим.

100. Машина тушунарли, давлат тилида ва рус ёки инглиз тилида ёзилиши шарт бўлган огоҳлантирувчи ёзув (белги)лар билан таъминланиши керак.

5-боб. Ўзиюрар машиналарга қўйиладиган қўшимча хавфсизлик талаблари

101. Ҳаракатланиши билан хавф пайдо бўладиган машина қўшимча равишда ушбу бобда кўрсатилган хавфсизлик талабларига жавоб бериши керак.

102. Машина ва унинг ишчи органларидан фойдаланишда кўриш доираси операторнинг иш жойидан туриб, хавфли ҳудуддаги ходимнинг хавфсизлигини таъминлаш учун етарли бўлиши керак. Кўриш доираси чегараланган ҳудудларда хавфни бартараф этиш учун зарур бўлган воситалар жиҳозланиши керак.

103. Оператор иш жойидан туриб машинанинг ишлаши учун зарур бўлган бошқарув элементларини фаоллаштириш имконига эга бўлиши керак. Операторнинг иш жойидан ташқарида жойлашган бошқарув элементлари ёрдамида бажарилиши керак бўлган иш турлари бундан мустасно.

104. Ғилдиракли машинанинг рул тизими бошқариладиган ғилдираклардаги ташқи таъсир туфайли юзага келадиган рул ёки бошқарув дастакларидаги кучни камайтирган ҳолда ишлаб чиқарилиши керак.

105. Дифференциал блокировкани бошқариш тизими машина ҳаракатланаётганда дифференциал блокировкадан узиш имконини берадиган ҳолда ишлаб чиқилиши ва ўрнатилиши керак.

Агар машинанинг ишлаб чиқариш жараёнлари машина ўлчамидан катта бўлган ускуна (масалан, стабилизаторлар, стрелалар ва бошқалар) билан жиҳозланган бўлса, оператор ушбу ускуна белгиланган функцияни бажариши учун уни ҳаракатланишдан олдин машинага хавф туғдирмайдиган ҳолатда ўрнатилишини таъминлаши керак.

106. Двигателни ишга тушириш вақтида машинанинг бехосдан ҳаракатланишига йўл қўймаслик керак. Машина иш режимида тезликни камайтириш, тўхтатиш ва стационар сақлаш жараёнларига қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак.

107. Оператор бошқарув органи ёрдамида ўзиюар машинани секинлаштириши ёки бутунлай тўхтатиши керак. Агар назорат тизимининг носозлиги ёки электр таъминотининг бузилиши ҳолатларида хавфсизлик талаб этиладиган бўлса, машина тўлиқ мустақил ва осонгина бошқариладиган фавқулодда тезликни камайтириш ёки тўхтатиш қурилмаси билан жиҳозланиши керак.

Хавфсизликни таъминлаш заруратига кўра машина тўлиқ ҳаракатланмасликни таъминлайдиган тормоз тизими билан жиҳозланган бўлиши керак.

108. Агар машина ёки унинг тизимини масофадан бошқариш зарурати бўлса, ҳар бир бошқарув қисми машина билан идентификация қилиниши керак.

Масофадан бошқариш тизими машина ва (ёки) унинг муайян жараёнини назорат қиладиган ҳолда ишлаб чиқарилиши ва ўрнатилиши керак.

Масофадан бошқариш тизими билан жиҳозланган машина маълум бир бошқарув блокининг сигналларига жавоб берадиган ҳолда ишлаб чиқарилган бўлиши керак.

109. Операторнинг ёнидан юриб кетаётган ҳолда бошқариладиган машина тегишли бошқариш тизимлари орқали операторнинг узлуксиз кузатуви натижасида ҳаракатланиши керак. Двигателни ишга тушириш жараёнида машинанинг бехосдан ҳаракатланишига йўл қўйилмаслиги керак.

110. Операторнинг ёнидан юриб кетаётган ҳолда бошқариладиган машинанинг бошқариш тизимларини конструкциясини ишлаб чиқишда машинани бехосдан оператор томонга ҳаракатланиши билан боғлиқ хавфлар камайтирилиши керак. Машинанинг ҳаракатланиш тезлиги операторнинг ҳаракатланиш тезлигига мос бўлиши керак.

Агар машина айланадиган жиҳоз билан жиҳозланган бўлса ва машина тўғридан-тўғри ушбу айланадиган жиҳоз томонидан бошқарилмаса, унда машина орқага ҳаракатланаётганда уни олдинга юриб кетишининг олди олинishi керак. Шунингдек, машинанинг тескари ҳаракатланиши оператор учун хавф туғдирмаслиги керак.

Электр манбаининг ишдан чиқиши машинанинг тўлиқ тўхташи учун зарур бўлган вақтда рул тизимининг ишлашига тўсқинлик қилмаслиги керак.

111. Машина ҳаракатга келганда, унинг оғирлик марказининг назоратсиз

тебранишлари машинанинг барқарорлигига таъсир қилмаслиги ва конструкциясига ортиқча юкларни ҳосил қилмайдиган этиб лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган бўлиши керак.

Ўзиюрар машина иш шароитида барқарорлигини сақлаб турадиган тарзда ишлаб чиқилган, лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган бўлиши керак.

112. Ўзиюрар машинанинг иш шароитида ағдарилиши хавфи мавжуд бўлса, у ағдарилишга қарши ҳимоя воситаси билан жиҳозланган бўлиши керак. Машина ағдарилганда, ушбу қурилма конструкцияси машинадаги операторга тегишли даражада деформациянинг чекланишини таъминлаши керак.

Машина ўриндиқлари қулай ҳолатда ўрнатилган ёки операторга зарур бошқарувни чекламаган ҳолда ушлаб туришга имкон берадиган чеклаш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак.

113. Агар ўзиюрар машинанинг ишлаш шароитида унга турли предметларнинг тушиши хавфи мавжуд бўлса, у ҳолда ўзиюрар машина тушадиган предметлардан ҳимояланиш қурилмаси билан жиҳозланиши керак.

Предметлар тушганда, ушбу қурилма конструкцияси машинадаги операторга тегишли даражада деформациянинг чекланишини таъминлаши керак.

114. Тортиш учун мўлжалланган ёки ўзи тортиб юрадиган машина осонгина ва хавфсиз уланиш ёки узиб қўйишни таъминлаши лозим ҳамда иш вақтида тасодифий узилишнинг олдини олиш учун ишлаб чиқилган, ишлаб чиқарилган бўлиши керак. Тортиш учун мўлжалланган ёки ўзи тортиб юрадиган машина жойлаштириладиган тортиш-илиш мосламаси билан жиҳозланиши керак.

115. Ярим тиркамали ва ярим ўрнатиладиган машина ер қатлами шароитига ва юкламага мос келадиган таянч сиртлари бўлган устунлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

116. Биринчи қаттиқ таянчлар билан шатакка олинаётган машинани ўзиюрар машина (трактор) билан боғлайдиган ва ечиб олинадиган механик қувват олиш қурилмалари ҳаракатланиши давомида унинг қисмлари бутун узунлиги бўйлаб ҳимоя қилинган ҳолда лойиҳаланиши ва ишлаб чиқарилиши керак.

Ечиб олинадиган механик қувват олиш қурилмалари бириктирилган ўзиюрар машина (трактор)нинг қувват олиш вали ўзиюрар машинага (тракторга) маҳкам қотирилган махсус ҳимоя тўсиқлари билан ёки унга мос ҳимоя даражасини таъминловчи бошқа қурилмалар билан ҳимояланган бўлиши керак.

Ечиб олинадиган механик қувват олиш қурилмаларига етиб боришни таъминлаш учун ушбу хавфсизлик қопламаси очилиш имконини бериши керак. Қурилма ўзиюрар машина (трактор) ҳаракати давомида кардан вал томонидан ҳимоя тўсиқларига зарар етказмайдиган жойда ўрнатилиши керак.

Шатакка олинадиган машинанинг қувват олиш вали унинг устига ўрнатиладиган ҳимоя корпусига жойлаштирилган бўлиши керак.

Айланиш вақтини чегараловчи ёки илашиш муфтлари кардан валнинг универсал бўғими (шарнири)га фақат шатакка олинадиган машина томонидан қотирилиши мумкин. Ечиб олинадиган механик қувват олиш қурилмаси унинг сиртига ёзиладиган тамгага эга бўлиши керак.

117. Ўзиюрар машина (трактор) билан боғлайдиган ва ечиб олинадиган механик қувват олиш қурилмаси зарур бўладиган барча шатакка олинадиган машиналарни ажратиш талаб этилганда, қурилма ва унинг хавфсизлик тўсиқлари ер ёки машина деталлари билан туташishi натижасида юзага келадиган шикастланишдан ҳимоя этувчи боғланиш тизимига эга бўлиши керак.

Ҳимоя тўсиқларининг ташқи қисмларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва жойлаштириш жараёнларида улар ечиб олинадиган механик қувват олиш қурилмаси билан бир вақтда айланмаслигига эътибор қаратиш керак.

Ҳимоя тўсиқлари кардан валнинг ички бўғимлари вилкаларининг охиригача (оддий универсал бўғимларда) ва камида кенг бурчакли универсал бўғимларда ташқи бўғимнинг ўртасига қадар қопланиши керак.

Агар механик қувват олиш қурилмаси машинанинг иш жойига кириш қисми яқинида жойлашган бўлса, механик қувват олиш қурилмаси ходимнинг ҳимоя тўсиқларини зинапоя сифатида ишлашига йўл қўймаслиги керак (ушбу ҳолатни конструкцияда назарда тутилиши бундан мустасно).

118. Аккумулятор батареяларини ўрнатиш жойлари машина ағдарилганда, операторнинг электролитга дучор бўлиши хавфининг олдини олиши ҳамда оператор иш жойида электролит буғларининг тўпланишига йўл қўймаслиги керак.

Аккумулятор батареялари осон, қулай ва махсус мўлжалланган қурилма (калит) ёрдамида узиб қўйиш мумкин бўлган ҳолда ишлаб чиқарилиши ва ўрнатилиши керак.

119. Хавф турига қараб, машина осонлик билан олинадиган жойларда сақланиши ва (ёки) ички ёнғинни ўчириш учун ёнғинга қарши воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

120. Машинанинг асосий вазифаси пуркаш бўлса, оператор хавфли моддалар таъсир қилиши хавфидан ҳимояланган бўлиши керак.

121. Оператор ўриндиғи билан жиҳозланган машина шатакка олинаётган машинадан шатакка олувчи машинага тегишли сигнал узатиш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши керак (зарур ҳолларда).

122. Агрегатнинг иш вақтида машина операторининг иш жойи тупрок, технологик материаллар ва лой сачрашидан ҳимояланган бўлиши керак.

123. Транспорт кенглиги ва (ёки) баландлигини камайтиришга мўлжалланган йиғилиб олинадиган элементларни транспорт ҳолатида ушлаб туриш учун улар механик ёки бошқа воситаларга эга бўлиши керак.

124. Тоғли шароитда ишлашга мўлжалланган ўзиюрар машина ва энергетик восита (трактор) рухсат этилган максимал қияликни билдирувчи ишора тизими билан жиҳозланган бўлиши керак.

125. Осма, ярим осма, тиркама, ярим тиркама ва ўрнатиладиган қишлоқ хўжалиги машиналари учун хавфсизлик талаблари осма, ярим осма, тиркама, ярим тиркама ёки машина ва энергетик восита (трактор)дан иборат машина-трактор агрегати таркибида синовдан ўтказилганда баҳоланади.

126. Агар ўзиюрар машина ва энергетик восита (трактор) хавфли шароитда фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, ўзиюрар машина ва энергетик восита (трактор)нинг ўзи хавфли шароитни яратадиган бўлса, операторнинг

нормал ишлаши ва юзага келадиган хавфдан ҳимоя қилиш учун машиналарга тегишли қурилмалар ўрнатилиши керак.

127. Операторнинг иш жойи кабина билан жиҳозланганда, оператор машинани тезда тарк этиши учун камида битта фавқулодда чиқиш жойи бўлиши керак.

128. Транспорт ҳолатидаги энергетик восита (трактор) ёруғлик-сигнал жиҳозлари билан ҳамда агрегат машина, шунингдек, ўзиюрар машина ташқи ёруғлик жиҳозлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

129. Ўзиюрар машиналар амалдаги стандартлар ёки БМТнинг 10-сон қоидаси талабларига мувофиқ бўлиши керак.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I****5 Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi
yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida**

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
3-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2773-10*

O‘zbekiston Respublikasining Bojxona kodeksiga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasining 2016-yil 29-fevraldagi 01-02/15-07-son qarori (ro‘yxat raqami 2773, 2016-yil 6-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 14-son, 133-modda) bilan tasdiqlangan Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 2-dekabr,
197-son

Kelishildi:

**Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya
qilish bo‘yicha vakil**

D. KASIMOV

2024-yil 29-noyabr

Savdo-sanoat palatasi Raisi

D. VAXABOV

2024-yil 11-noyabr

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil
2-dekabrda 197-son buyrug'iga
ILOVA

Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar

1. 22-bandda:

1) 11-kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “yoki deklarantning” degan so'zlar “yoki deklarant yuridik shaxs bo'lganda, uning” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Agar deklarant jismoniy shaxs bo'lsa, grafada ushbu jismoniy shaxsning familiyasi, ismi va otasining ismi, uning yashash manzili, telefon raqami va elektron pochta manzili (mavjud bo'lsa) ko'rsatiladi.”;

uchinchi xatboshi to'rtinchi xatboshi deb hisoblansin;

2) 23-kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“23) 28-grafa. “Moliya va bank ma'lumotlari”.

Grafada bojxona to'lovlarini to'lovchi shaxsning STIRi (jismoniy shaxs bo'lsa, JSHSHIRi), bojxona to'lovlari O'zbekiston Respublikasi norezidenti tomonidan to'langanda bojxona brokeri yoki deklarantning STIRi (jismoniy shaxs bo'lsa, JSHSHIRi) ko'rsatiladi.”;

3) 26-kichik bandning to'rtinchi xatboshisidagi “davlat standartlari” degan so'zlar “milliy standartlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

4) 39-kichik bandda:

yigirma uchinchi va yigirma to'rtinchi xatboshilar chiqarib tashlansin;

yigirma beshinchi — o'ttiz birinchi xatboshilar tegishli ravishda yigirma uchinchi — yigirma to'qqizinchi xatboshilar deb hisoblansin;

yigirma beshinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“610 12-160400299010;”;

yigirma to'qqizinchi xatboshidagi “to'g'risida bayonnoma” degan so'zlar “yuzasidan jarima solish to'g'risidagi qaror raqami va sanasi (jarima solish to'g'risidagi qaror bo'lmaydigan hollarda shakl-2 raqami va sanasi)” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

5) 42-kichik bandda:

quyidagi mazmundagi o'n yettinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“VZ” — qo'shilgan qiymat solig'ini bojxona va soliq organlari o'rtasida o'zaro hisobga olish orqali to'lash imkoniyati taqdim etilgan;”

o'n yettinchi va o'n sakkizinchi xatboshilar tegishli ravishda o'n sakkizinchi va o'n to'qqizinchi xatboshilar deb hisoblansin;

6) 43-kichik bandda:

ikkinchi va sakkizinchi xatboshidan “yoki bo'lib-bo'lib” degan so'zlar chiqarib tashlansin;

quyidagi mazmundagi to'qqizinchi — o'n yettinchi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“Bojxona to‘lovlarini bo‘lib-bo‘lib to‘lash imkoniyati taqdim etilganda, grafada bunday to‘lovlarni to‘lash muddatlari, bojxona to‘lovlari turlari va to‘lov summalari kesimida quyidagi sxema bo‘yicha ko‘rsatiladi:

XX.KK.OO.YYYY.SUMMA,

bunda:

XX — Bojxona to‘lovlari tasniflagichiga muvofiq bojxona to‘lovi turining kodi;

KK — kun;

OO — oy;

YYYY — yil;

SUMMA — bo‘lib-bo‘lib to‘lash muddatlari bo‘yicha to‘lov summasi;

Agar bo‘lib-bo‘lib to‘lash imkoniyati taqdim etilgan bojxona to‘lovlarining turlari yoki muddatlari bir nechta bo‘lsa, har bir ma‘lumot alohida yangi qatorda ko‘rsatiladi.”.

2. 25-bandda:

1) 11-kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “yoki deklarantning” degan so‘zlar “yoki deklarant yuridik shaxs bo‘lsa, uning” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Agar deklarant jismoniy shaxs bo‘lsa, grafada ushbu jismoniy shaxsning familiyasi, ismi va otasining ismi, uning yashash manzili, telefon raqami va elektron pochta manzili (mavjud bo‘lsa) ko‘rsatiladi;”;

uchinchi xatboshi to‘rtinchi xatboshi deb hisoblansin;

2) 23-kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“23) 28-grafa. “Moliya va bank ma‘lumotlari”.

Grafada bojxona to‘lovlarini to‘lovchi shaxsning STIRi (jismoniy shaxs bo‘lsa JSHSHIRi), bojxona to‘lovlari O‘zbekiston Respublikasi norezidenti tomonidan to‘langanda bojxona brokeri yoki deklarantning STIRi (jismoniy shaxs bo‘lsa JSHSHIRi) ko‘rsatiladi.”;

3) 26-kichik bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “davlat standartlari” degan so‘zlar “milliy standartlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 35-kichik band quyidagi mazmundagi o‘ttiz ikkinchi — o‘ttiz sakkizinchi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“Agar tovar bojxona rejimiga joylashtirilmasdan transport vositasi sifatida “Avtotransport vositasini qaytarib olib chiqish to‘g‘risida majburiyatnoma” (bundan buyon ushbu bandda majburiyatnoma deb yuritiladi) rasmiylashtirilgan holda olib kirilgan bo‘lsa, grafada tovarlar uchun rasmiylashtirilgan majburiyatnomaning ro‘yxat raqami quyidagi tartibda ko‘rsatiladi:

99999/99.99.9999/9999999,

bunda:

1 2 3

1-element — bojxona posti kodi;

2-element — majburiyatnoma to‘ldirilgan sana;

3-element — majburiyatnomani tartib raqami.”;

5) 39-kichik bandda:

yigirma uchinchi — yigirma to‘rtinchi xatboshilar chiqarib tashlansin;
yigirma beshinchi — o‘ttiz beshinchi xatboshilar tegishli ravishda yigirma uchinchi — o‘ttiz uchinchi xatboshilar deb hisoblansin;
yigirma beshinchi — yigirma to‘qqizinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“620 15-142120030000;

(Prezidentning 04.02.2014-yildagi PQ-2120-son qarori 3-bandi);

629 15-142120030000;

(Prezidentning 04.02.2014-yildagi PQ-2120-son qarori 3-bandi);

629 11-190599246060;”;

quyidagi mazmundagi o‘ttizinchi — o‘ttiz to‘rtinchi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“(Soliq kodeksining 246-moddasi 6-bandi);

620 10-130001010000;

(2011-yil 18-oktabrdagi erkin savdo zonasini tashkil etish to‘g‘risidagi shartnomani uning taraflari va O‘zbekiston Respublikasi o‘rtasida qo‘llash to‘g‘risidagi bayonnoma /31.05.2013-y);

620 10-940001010000;

(Erkin savdo zonasini tashkil etish to‘g‘risidagi bitim/15.04.1994-y);”;

o‘ttizinchi — o‘ttiz uchinchi xatboshilar tegishli ravishda o‘ttiz beshinchi — o‘ttiz sakkizinchi xatboshilar deb hisoblansin;

o‘ttiz sakkizinchi xatboshidagi “to‘g‘risida bayonnoma” degan so‘zlar “yuzasidan jarima solish to‘g‘risidagi qaror raqami va sanasi (jarima solish to‘g‘risidagi qaror bo‘lmaydigan hollarda shakl-2 raqami va sanasi)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

6) 42-kichik bandda:

quyidagi mazmundagi o‘n yettinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“VZ” — qo‘shilgan qiymat solig‘ini bojxona va soliq organlari o‘rtasida o‘zaro hisobga olish orqali to‘lash imkoniyati taqdim etilgan;”;

o‘n yettinchi va o‘n sakkizinchi xatboshilar tegishli ravishda o‘n sakkizinchi va o‘n to‘qqizinchi xatboshilar deb hisoblansin;

7) 43-kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“43) 48-grafa. “To‘lovlarni kechiktirish”.

Bojxona to‘lovlarni kechiktirib to‘lash imkoniyati taqdim etilganda, grafada bunday to‘lovlarni to‘lashning so‘nggi muddati bojxona to‘lovlari turlari kesimida quyidagi sxema bo‘yicha ko‘rsatiladi:

XX.KK.OO.YYYY

bunda:

XX — Bojxona to‘lovlari tasniflagichiga muvofiq bojxona to‘lovi turining kodi;

KK — kun;

OO — oy;

YYYY — yil;

Agar kechiktirib to‘lash imkoniyati taqdim etilgan bojxona to‘lovlarining turlari bir nechta bo‘lsa, har bir ma‘lumot alohida yangi qatorida ko‘rsatiladi.

Bojxona to'lovlarini bo'lib-bo'lib to'lash imkoniyati taqdim etilganda, grafada bunday to'lovlarni to'lash muddatlari, bojxona to'lovlari turlari va to'lov summalari kesimida quyidagi sxema bo'yicha ko'rsatiladi:

XX.KK.OO.YYYY.SUMMA

bunda:

XX — Bojxona to'lovlari tasniflagichiga muvofiq bojxona to'lovi turining kodi;

KK — kun;

OO — oy;

YYYY — yil;

SUMMA — bo'lib-bo'lib to'lash muddatlari bo'yicha to'lov summasi;

Agar bo'lib-bo'lib to'lash imkoniyati taqdim etilgan bojxona to'lovlarning turlari yoki muddatlari bir nechta bo'lsa, har bir ma'lumot alohida yangi qatorda ko'rsatiladi.”.

3. 12-ilovada:

quyidagi mazmundagi 10¹-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

10 ¹	Xalqaro yo'llarda tashish daftarchasi (E-TIR)	211	ETIR
-----------------	---	-----	------

”;

quyidagi mazmundagi 20¹-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

20 ¹	Tashqi savdo shartnomasining spetsifikatsiyasi raqami	307	SPES_N
-----------------	---	-----	--------

”;

quyidagi mazmundagi 59¹-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

59 ¹	Muvofiqlik to'g'risidagi deklaratsiya	441	MTD
-----------------	---------------------------------------	-----	-----

”;

quyidagi mazmundagi 65¹ va 65²-pozitsiyalar bilan to'ldirilsin:

65 ¹	Qo'shilgan qiymat solig'ini bojxona va soliq organlari o'rtasida o'zaro hisobga olish imkoniyati taqdim etilgan hujjatning turi, raqami va sanasi	729	
65 ²	Akkreditiv	800	AKKR

”;

88-pozitsiya quyidagi tahrirda bayon etilsin:

88.	Bojxona to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari buzilganligi yuzasidan jarima solish to'g'risidagi qaror yoki shakl-2	850	NTZ
-----	--	-----	-----

”;

quyidagi mazmundagi 108¹ — 108³-pozitsiyalar bilan to'ldirilsin:

“

108 ¹ .	Bojxona to'lovlarini uchinchi shaxslar tomonidan to'lab berilishini tasdiqlovchi hujjatning raqami	873	OP3L
108 ² .	Bojxona to'lovlarini to'lashning bosh ta'minotining raqami	874	GENOBES
108 ³ .	Mahsulotlarning (tovar va xizmatlarning) identifikatsiya kodi	875	MXIK

”;

111 va 112-pozitsiyalar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

111.	Bojxona qiymatini aniqlashning 4-usul asosidagi 6-usulni qo'llash bo'yicha baholash faoliyati to'g'risidagi qonun hujjatlarida nazarda tutilgan tartibdagi baholash hisoboti	902	OTCNETOS
112.	Bojxona qiymatini aniqlashning 4-usul asosidagi 6-usulni qo'llash bo'yicha ichki bozordagi shakllangan aynan bir xil yoki o'xshash tovarlarning narxlarini o'rganish to'g'risida dalolatnoma	903	AKTRS

”;

116-pozitsiya chiqarib tashlansin.

4. 13-ilovada:

1) “Boshqa to'lovlar” blokida:

1-pozitsiyadagi “to'lovini” degan so'z “bojini” degan so'z bilan almashtirilsin; quyidagi mazmundagi 1¹-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

“

1 ¹ .	Aksiz solig'ini kechiktirib yoki bo'lib-bo'lib to'lash imkoniyatini taqdim etganlik uchun foizlar	71
------------------	---	----

”;

quyidagi mazmundagi 2¹-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

“

2 ¹ .	Qo'shilgan qiymat solig'ini kechiktirib yoki bo'lib-bo'lib to'lash imkoniyatini taqdim etganlik uchun foizlar	73
------------------	---	----

”;

quyidagi mazmundagi 4¹-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

“

4 ¹ .	Bojxona yig'imlarini kechiktirib yoki bo'lib-bo'lib to'lash imkoniyatini taqdim etganlik uchun foizlar	76
------------------	--	----

”;

2) “Boshqa yig'imlar” blokida:

8-pozitsiyadagi “Dastlabki qaror qabul qilganlik uchun bojxona yig'imi” degan so'zlar “Tovarni tasniflanishi bo'yicha dastlabki qaror qabul qilganlik uchun bojxona yig'imi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi 8^l-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

“

8 ^l .	Tovarlar bo'yicha to'lanishi lozim bo'lgan bojxona to'lovlari miqdorini aniqlash bo'yicha dastlabki qaror qabul qilganlik uchun bojxona yig'imi	51
------------------	---	----

”;

quyidagi mazmundagi 9^l-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

“

9 ^l .	Tovarning kelib chiqish mamlakati to'g'risidagi dastlabki qarorni qabul qilganlik uchun bojxona yig'imi	53
------------------	---	----

”.

5. 4 va 14-ilovalar mazkur o'zgartirish va qo'shimchalarning 1 va 2-ilovalariga muvofiq tahrirda bayon etilsin:

Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi
to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan
o'zgartirish va qo'shimchalarga
1-ILOVA

“Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi
to'g'risidagi yo'riqnomaga
4-ILOVA

Bojxona postlari TASNIFLAGICHI

T/r	Bojxona qo'mitasining hududiy boshqarmalari postlarining nomi	Post kodi
Bojxona qo'mitasining Qoraqalpog'iston Respublikasi bo'yicha boshqarmasi		
1.	“Nukus aeroporti” chegara bojxona posti	35001
2.	“Nukus” TIF bojxona posti	35002
3.	“Xo'jayli” chegara bojxona posti	35003
4.	“Dovut-ota” chegara bojxona posti	35004
5.	“Qoraqalpog'iston” temir yo'l chegara bojxona posti	35010
6.	“Qo'ng'iro't” TIF bojxona posti	35012
Bojxona qo'mitasining Andijon viloyati bo'yicha boshqarmasi		
7.	“Do'stlik” chegara bojxona posti	03002
8.	“Andijon aeroporti” chegara bojxona posti	03003
9.	“Bobur” TIF bojxona posti	03004
10.	“Keskanyor” chegara bojxona posti	03005
11.	“Xonobod” chegara bojxona posti	03006
12.	“Qorasuv” chegara bojxona posti	03007
13.	“Mingtepa” chegara bojxona posti	03008
14.	“Madaniyat” chegara bojxona posti	03009

15.	“Andijon” TIF bojxona posti	03011
16.	“Pushmon” chegara bojxona posti	03013
17.	“Savay” temir yo‘l chegara bojxona posti	03014
18.	“Asaka” TIF bojxona posti	03015
Bojxona qo‘mitasining Buxoro viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
19.	“Buxoro aeroporti” chegara bojxona posti	06001
20.	“Kogon” TIF bojxona posti	06002
21.	“Buxoro” TIF bojxona posti	06006
22.	“Qorovulbozor” TIF bojxona posti	06007
23.	“G‘ijduvon” TIF bojxona posti	06008
24.	“Qorako‘l” TIF bojxona posti	06009
25.	“Olot” chegara bojxona posti	06010
26.	“Xo‘jadavlat” temir yo‘l chegara bojxona posti	06011
Bojxona qo‘mitasining Jizzax viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
27.	“Uchto‘rg‘on” chegara bojxona posti	08003
28.	“Jizzax” TIF bojxona posti	08004
29.	“Qo‘shkent” chegara bojxona posti	08007
Bojxona qo‘mitasining Qashqadaryo viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
30.	“Nasaf” TIF bojxona posti	10002
31.	“Qamashi-G‘uzor” TIF bojxona posti	10007
32.	“Qarshi-Kerki” chegara bojxona posti	10008
33.	“Talimarjon” TIF bojxona posti	10011
34.	“Qarshi aeroporti” chegara bojxona posti	10012
Bojxona qo‘mitasining Navoiy viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
35.	“Tinchlik” TIF bojxona posti	12001
36.	“Navoiy aeroporti” chegara bojxona posti	12002
37.	“Navoiy” TIF bojxona posti	12003
38.	“Zarafshon” TIF bojxona posti	12008
39.	“Navoiy industrial” TIF bojxona posti	12012
Bojxona qo‘mitasining Namangan viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
40.	“Namangan aeroporti” chegara bojxona posti	14002
41.	“Uchqo‘rg‘on” chegara bojxona posti	14003
42.	“Kosonsoy” chegara bojxona posti	14004
43.	“Pop” chegara bojxona posti	14005
44.	“Namangan” TIF bojxona posti	14010
45.	“Chust” TIF bojxona posti	14014
Bojxona qo‘mitasining Samarqand viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
46.	“Samarqand aeroporti” chegara bojxona posti	18001
47.	“Jartepa” chegara bojxona posti	18002
48.	“Samarqand” TIF bojxona posti	18005
49.	“Ulug‘bek” TIF bojxona posti	18007
Bojxona qo‘mitasining Surxondaryo viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
50.	“Termiz aeroporti” chegara bojxona posti	22002
51.	“Sariosiyo” chegara bojxona posti	22003
52.	“Sariosiyo” temir yo‘l chegara bojxona posti	22004
53.	“Termiz” TIF bojxona posti	22005

54.	“Denov” TIF bojxona posti	22006
55.	“Gulbahor” chegara bojxona posti	22007
56.	“Daryo porti” TIF bojxona posti	22011
57.	“Jarqo‘rg‘on” TIF bojxona posti	22013
58.	“Boldir” temir yo‘l chegara bojxona posti	22015
59.	“Ayritom” chegara bojxona posti	22017
60.	“Termiz xalqaro savdo markazi” TIF bojxona posti	22022
Bojxona qo‘mitasining Sirdaryo viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
61.	“Xovosobod” chegara bojxona posti	24002
62.	“Xovos” TIF bojxona posti	24003
63.	“Sirdaryo” chegara bojxona posti	24004
64.	“Guliston” TIF bojxona posti	24009
65.	“Sayxun” TIF bojxona posti	24010
Bojxona qo‘mitasining Toshkent viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
66.	“Yallama” chegara bojxona posti	27001
67.	“Navoiy” chegara bojxona posti	27008
68.	“S. Najimov” chegara bojxona posti	27009
69.	“Oybek” chegara bojxona posti	27011
70.	“Bekobod avto” chegara bojxona posti	27013
71.	“Chirchiq” TIF bojxona posti	27014
72.	“Olmaliq” TIF bojxona posti	27015
73.	“Yangiyo‘l” TIF bojxona posti	27016
74.	“Nazarbek” TIF bojxona posti	27019
75.	“Keles” TIF bojxona posti	27020
76.	“G‘ishtko‘prik” chegara bojxona posti	27021
77.	“Farhod” chegara bojxona posti	27023
78.	“Bekobod” temir yo‘l chegara bojxona posti	27024
79.	“Angren” TIF bojxona posti	27028
80.	“O‘zbekiston” temir yo‘l chegara bojxona posti	27029
Bojxona qo‘mitasining Farg‘ona viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
81.	“Farg‘ona aeroporti” chegara bojxona posti	30001
82.	“Qo‘qon” TIF bojxona posti	30002
83.	“Quvasoy” TIF bojxona posti	30003
84.	“Farg‘ona” chegara bojxona posti	30004
85.	“Andarxon” chegara bojxona posti	30005
86.	“Rishton” chegara bojxona posti	30006
87.	“Rovot” chegara bojxona posti	30008
88.	“Vodiy” TIF bojxona posti	30009
89.	“O‘zbekiston” chegara bojxona posti	30010
90.	“So‘x” chegara bojxona posti	30012
91.	“Qirguli” TIF bojxona posti	30015
92.	“Marg‘ilon” TIF bojxona posti	30017
Bojxona qo‘mitasining Xorazm viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
93.	“Shovot” chegara bojxona posti	33001
94.	“Do‘stlik” chegara bojxona posti	33004
95.	“Hazorasp EIZ” TIF bojxona posti	33005

96.	“Urganch” TIF bojxona posti	33007
97.	“Urganch aeroporti” chegara bojxona posti	33011
Bojxona qo‘mitasining Toshkent shahri bo‘yicha boshqarmasi		
98.	“Toshkent-tovar” TIF bojxona posti	26002
99.	“Ark buloq” TIF bojxona posti	26003
100.	“Chuqursoy” TIF bojxona posti	26004
101.	“Keles” temir yo‘l chegara bojxona posti	26009
102.	“Sirg‘ali” TIF bojxona posti	26010
103.	“Chuqursoy texnik idora” temir yo‘l chegara bojxona posti	26013
“Toshkent-AERO” ixtisoslashtirilgan bojxona kompleksi		
104.	“Islom Karimov nomidagi “Toshkent” xalqaro aeroporti” chegara bojxona posti	00101
105.	“Avia yuklar” TIF bojxona posti	00102
106.	“Bosh pochtamt” TIF bojxona posti	00107

”.

Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi
to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan
o'zgartirish va qo'shimchalarga
2-ILOVA

“Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi
to'g'risidagi yo'riqnomaga
14-ILOVA

**Bojxona to'lovlarini to'lash bo'yicha imtiyozlar mavjudligini
tasdiqlovchi va BYUUDning 44-grafasida ma'lumotlarni bayon
etishda qo'llaniluvchi normativ-huquqiy hujjatlar
TASNIFLAGICHI**

T/r	Hujjatlar turi	Hujjatlar kodi
1.	Xalqaro shartnomalardagi moddasi / bandi yoki qism / xatboshi	10-YYRRRRRXXXXXX
2.	O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi moddasi / bandi yoki qism / xatboshi	11-YYRRRRRXXXXXX
3.	O'zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksi moddasi / bandi yoki qism / xatboshi	12-YYRRRRRXXXXXX
4.	O'zbekiston Respublikasining qonunlari moddasi / bandi yoki qism / xatboshi	13-YYRRRRRXXXXXX
5.	O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni moddasi / bandi yoki qism / xatboshi	14-YYRRRRRXXXXXX
6.	O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori moddasi / bandi yoki qism / xatboshi	15-YYRRRRRXXXXXX
7.	O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoyishi moddasi / bandi yoki qism / xatboshi	16-YYRRRRRXXXXXX
8.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi qarori moddasi / bandi yoki qism / xatboshi	17-YYRRRRRXXXXXX
9.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi farmoyishi moddasi / bandi yoki qism / xatboshi	18-YYRRRRRXXXXXX
10.	Boshqa normativ-huquqiy hujjatlar moddasi / bandi yoki qism / xatboshi	19-YYRRRRRXXXXXX

Izoh: Hujjat kodining:

- 1) birinchi 2 raqam — hujjat turini anglatadi;
- 2) “YY” raqami — hujjat yili;
- 3) “RRRR” raqami — hujjat raqami;
- 4) “XXXXXX” — hujjatdagi imtiyoz berilgan modda / bandi / qismi / xatboshisi ketma-ket ko'rsatiladi. Agar hujjatda qismi yoki xatboshisi bo'lmagan taqdirda, “X” raqamiga nol ko'rsatiladi.

Agar bojxona to'lovlarini to'lash bo'yicha imtiyoz tegishli normativ-huquqiy hujjatlar asosida berilayotgan bo'lsa, u holda hujjat raqami 5 ta raqamdan (RRRRR) iborat holda to'ldiriladi.

Xalqaro shartnomalar bo'yicha hujjat raqami shartli “0001” deb olinadi.

Agar bir yilda bojxona imtiyozlarini berishni nazarda tutuvchi birdan ortiq xalqaro shartnomalar mavjud bo'lsa, qabul qilingan sanaga qarab shartli "00001", "00002" raqamlari beriladi."

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. О‘збекистон Республикаси иқтисодийот ва мoliya вазирининг 2024-йил 2-декабрдаги 197-сон “Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-йил 3-январда ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2773-10.